

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ ВА БАНК ИШИ ТАРИХИ

Ўқув қўлланма

Самарқанд – 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

З.Д.Ниёзов, З.Ш.Ҳайдаров, Ж.Х.Мухитдинов, Ф.М.Даминов,
С.С.Тоғаев, А.А.Бекмурадов, Ғ.Ж.Эсанбоев, А.М.Каримова,
Д.М.Маликова, К.Ғ.Мухаммадиев, Х.Ж.Казаков

**МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ ВА
БАНК ИШИ ТАРИХИ**

Ўқув қўлланма

Самарқанд – 2018

Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи: ўқув қўлланма / З.Д.Ниёзов [ва бошқ.]; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. – Самарқанд: СамИСИ, 2018.

Мазкур ўқув қўлланма кадрлар тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандарти ва “Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи” фанининг ўқув дастури асосида яратилган.

Ўқув қўлланмада “Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи” курсида асосий бўлиб ҳисобланган Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш модели; таълим тизимини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, хусусан хориж тажрибаси; Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг тарихи; мустақил ва ўқув илмий тадқиқот ишларига талаблар; пул, кредит ва банкларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва аҳамияти; халқаро иқтисодий алоқалар; таълим-тарбияни ривожлантириш ва одоб-ахлоқ этикаси каби мавзуларни ёритишга ҳаракат қилинган.

Ўқув қўлланма банк иши таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Такризчилар:

О.Муртазаев, иқтисод фанлари номзоди, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти профессори;

А.Тўхтамишев, иқтисод фанлари номзоди, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Самарқанд минтақавий филиали Жамғарма операциялар ва чакана тўловлар бўлими бошлиғи.

КИРИШ

«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанининг долзарблиги Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашга киришиш бўлиб ҳисобланади.

Мазкур курснинг мақсади талабаларга банк соҳасида фаолият юритувчи кадрларга бўлган ижтимоий-иқтисодий талаблардан келиб чиққан ҳолда шаклланиш борасида зиммаларига юкланган вазифаларни юқори даражада адо этишда, назарий ва амалий билимларни чуқур эгаллаш, мустақил ўқиш ва изланишлар олиб бориш, жамоавий ишларда фаол иштирок этиш, маданий дам олиш ва хордиқ чиқариш. Кутубхонада ишлаш, ва илк илмий изланишлар олиб бориш, соҳанинг тарихий ва иқтисодий ривожланиш даврларини билиш ҳамда ўзини бўлажак Мутахассис сифатида шаклланишга тайёрлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарорида “Талаба ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланишни таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш”¹ белгиланган. Шу борада «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган вазифаларни талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирадиган, ўқув-услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб белгилайди.

¹ «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ- 3151- сон Қарори

«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани гуманитар, ижтимоий ва бошқа мутахассислик фанлар билан узвий боғлиқдир. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий фанлар, математика ва табиий-илмий фанлар, умум касбий фанлар, ихтисослик фанлар билан ўзаро боғлиқ. Фанни ўтиш давомида институт, факультет ва кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, банк тизими мутахассислари, мутахассис олимлар, соҳанинг раҳбарлари билан учрашувлар, суҳбатлар, илмий – амалий анжуманлар олиб борилади.

«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанидан амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида кафедрада мавжуд бўлган альбомлар, слайдлар, тарқатма материаллар “Банк ўқув маркази” да ташкил этилган махсус дастур, тижорат банкларнинг бир қатор низом ҳамда йўриқномалари ва бошқа ўқув материалларидан фойдаланилади.

«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани «Иқтисод» таълим соҳаси «Банк иши» мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш жараёнидаги муҳим фанлардан бири бўлиб ҳисобланади, чунки айнан мазкур фан талабаларнинг мазкур йўналиш бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишларига имкон яратади. Курсни ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида», “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонунлардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўқишни ташкил этиш асослари, банк тизимини ислоҳ этиш борасидаги устувор вазифаларни ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Шунга кўра, банк иши фаолиятида иш юритадиган мутахассисларга алоҳида талаблар қўйилади. Бу фан муҳим фан ҳисобланиб, иқтисодиёт бўғинининг ажралмас қисми ҳисобланган банк тимизига кадрлар етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

Талабаларнинг «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари билан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материалларидан фойдаланилади.

Фаннинг ўқув машғулоти фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида лойиҳалари ишлаб чиқилади.

**«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» курсини
лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндошувлардан
фойдаланилади:**

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахсининг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахсининг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

1-МАВЗУ. «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ ВА БАНК ИШИ ТАРИХИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани ва унинг вазифалари.
2. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанининг предмет ва ўрганиш усуллари.
3. Олий таълим мактабининг ўрта мактабга нисбатан хусусиятлари.

Асосий тушунчалар: таълим, олий таълим, банк, банк иши, технология, диалектик усул, индукция, дедукция, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, макро ва микроиқтисодий даражада ўрганиш, таққослаш, статистика.

1. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани ва унинг вазифалари.

Ўзбекистон қадимдан юқори даражада тараққий этиб келган деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг бешиги бўлиб, у бир неча минг йиллик тарихга эга. Ўлка аҳолиси мазкур ҳудуд учун анъанавий бўлган пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик билан шуғулланиб келган. Ҳунармандчиликнинг қатор хиллари ривожланган. Тарихий давр ичида ўзбек авлодлари суғориш ишларини кенг йўлга қўйган эдилар.

Жаҳонда Ал-Хоразмий, Имом ал Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нақшбандий, Амир Темур, Алишер Навоий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон каби номлари дунёга танилган қомусий олимлар, шоирлар, маърифатчилар, лашкарбошиларни етказиб берган ўзбек халқи ўз мамлакатининг мустақил бўлишини орзу қилиб келган эди. Муштоклик билан кутилган ана шу кун келди. 1991 йил Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди, шу йилнинг 1 сентябрида мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинди. 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон тарихида нуфузли бўлган ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури тасдиқланди.

Бу ҳужжат таълим тизимининг барча бўғинларида чуқур ислохотлар асосида давлатимиз сиёсатини устувор йўналишини белгилаб берди. Таълим жараёнининг мазмуни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожатномасида **“Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.”** деган мақсадни кўзда тутдилар.

Мустақилик шарофати банкларни ривожлантириш улар учун банк иши мутахасиларини тайёрлаш долзарб масала қилиб қўйилди. Бу босқичнинг дастлабки йўналиши банк иши Мутахассисликларида **“Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи”** ўқув курсини ўрганишдан бошланади.

Бу курсни ўрганиш жараёнида талаба фақат олий таълим ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш билан чегараланмасдан, унинг ўрта таълимдан фарқли жиҳатларини яхши тушуниб олиши, олий мактабни тузилиши, ўқув жараёнининг ташкилий масалалари, дарс жараёнлари ва айниқса мустақил таълим олишга ўзини мослаштириб бориши, тартиб интизом, одоб ахлоқ қоидаларига риоя этиши, мутахассислик йўналиши ҳақида етарли даражада хабардор бўлиши ва ўзини танлаган мутахассислигининг етук кадр бўлишга тайёрлаб боришни мақсад қилиб қўяди. Бу биз ўрганаётган курснинг умумий мақсади, вазифаси ва йўналишида асос бўлиб ҳисобланади.

Курснинг умумий вазифаси талабани олийгоҳ, шарт-шароитига тезроқ мослашиши бунинг учун ҳар бир талаба мақсад сари интилиб, ақлий меҳнат маданиятини тақсимлаштириши, ўз вақтини тежаб ундан мазмунли фойдаланишга ҳаракат қилишга дават этади ва мунтазам билим олишга интиштиради.

Бу борада, Microsoft корпорациясининг бош ижрочи директори Сатья Наделла психолог Кэрол Двекнинг "Муваффақиятнинг янги психологияси. Ўйла ва ғолиб бўл" китоби унга қандай илҳом бахш этгани ҳақида сўзлаб бергани интернетда ёритилган.

Унинг айтишича "Мен бу китобни ўқиганимда бизнес ҳақида эмас, ўз фарзандларимнинг таълим олиши ҳақида ўйладим, - дейди Наделла. -

Муаллиф мактабдаги ўқувчиларни мисол қилиб келтиради. Улардан бири - "билағон", бошқаси эса ҳар қандай янги билимни ўзлаштиришга тайёр. Мунтазам билим олувчи инсон аввалдан қобилиятлироқ бўлган "билағон"дан кўпроқ муваффақиятга эришади. Ўйлашимча, бу нафақат мактаб ўқувчилари, балки раҳбарлар ва бутун бир ташкилотларга ҳам тааллуқлидир".

Бу маслаҳат ҳар қандай соҳада иш беради. Уни бор-йўғи бир гапгача умумлаштириш мумкин.

Барчасини билувчи эмас, доимий билим олувчи бўлинг.

Сизнинг ҳамма нарсани билишингизга бўлган ишонч бошқаларга нисбатан ҳақоратдек туюлади. У энди сиз ҳеч нарсани ўрганмасангиз ҳам бўлади, деб ўйлашга мажбур қилиши мумкин. Бу эса, сизнинг карьерангиз, шахс сифатида ўсишингизга зиён етказиши мумкин. Шу боис доим янги билимларга интилишингиз ва ҳаётда ниманидир билмаслигингизни тан олишга тайёр туришингиз керак.

«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» курсида талабанинг бўлажак ихтисоси, яъни **банк ходими** касби ҳақида тўлароқ маълумот бериш, банк иши тарихини қисман ёритиш, талабаларнинг мустақил ишлаш методикаси билан таништириш, илмий тадқиқот ишларини бошлашга илк қадамлар қўйишга тайёрлаш, жараёнда библиография механизмини қўлаш. Шу билан бирга талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида тушунчалар бериб берилади.

2.«Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанининг предмети ва ўрганиш усуллари.

Ҳар бир фаннинг шаклланиши фаннинг предмети шаклланиши билан биргаликда, унинг илмий билиш усулларининг қарор топиши билан ҳам боғлиқ. Ҳар бир фанни ўрганиш усуллари умумий тавсифга эга бўлиб, ҳар бир фанни ўрганиш фаннинг предметида келиб чиқади. “Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи ” фанининг предмети бўлиб: банк соҳасида етук Мутахассислар тайёрлаш жараёнида талабаларни ҳар томонлама баркамол этиб тайёрлашда тъалим тарбиянинг олдида турган вазифалари ҳамда банк соҳасининг уствор вазифаларни амалга оширишга шай бўлган кадрларни таёрлашга хисса қўшиш.

ФАНДА ҚУЙИДАГИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРГА БИЛИМЛАР БЕРИБ БОРИЛАДИ:

- Диалектик усул: индукция, дедукция.
- Илмий абстракция;
- Таҳлил ва синтез;
- Макро ва микроиқтисодий даражада ўрганиш;
- Таққослаш;
- Статистика ва бошқалар.

Фанни ўрганиш усулларида энг аввало **диалектик усулни** кўриб чиқадиган бўлсак. Диалектик усул табиат, жамият ва тафаккур ривожланиши қонуниятларини ўрганишга асосланган. Шунинг учун бу усул барча мавжуд фанларнинг, шу қаторда «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанининг ҳам асосида ётади. Диалектик усулда ривожланиш қуйидан юқорига, билиш эса оддийдан мураккабга томон ривожланади. Масалан, пулнинг пайдо бўлиш сабаблари натижада банкларнинг келиб чиқиши, кредит операцияларининг зарурати, валюта операцияларининг муҳим жихатлари ва қонуниятларининг ривожланиши. **Диалектика индукция** ва **дедукция** усулларида таркиб топган.

Индукцияда якка факт олиниб, умумий хулоса чиқарилади. Масалан, пулнинг инсон томонидан кашф қилиниши ва унинг жамият ривожланишидаги ўрни. Дедукцияда эса аксинча. Жамият ривожланишида пулнинг зарурлиги.

Илмий абстракция. Илмий абстракция усулида мавҳум объект илмга таянган ҳолда ўрганилади ва унинг фақат асосига эътибор қаратилади. Мисол учун пул назарийчиларининг назарий асоалари, унинг ривожланиши ва янада ривожланиб бораётгани.

Таҳлил ва синтез. Бу усулда ўрганилаётган объект қисмларга бўлиб ўрганилади ва изчиллик билан таҳлил этилади. Масалан “Пул ва банклар” фани умумий назарий фан бўлиб унда соҳанинг умумий фаолияти яхлит ўрганилса, Синтез жараёнида объектнинг қисмлари ўрганилиб, умумий хулоса чиқарилади ва бу «натижа» деб қаралади. Ўқиш жараёнида “Пул ва банклар” фанидаги қисимлар ва ҳатто айрим мавзулар бир неча фан сифатида ўтилади ва натижада банк соҳасининг ўзига хос барча жихатлари ўрганилади.

Макро ва микро (иктисодий) даражада ўрганиш. Макро даражада ўрганишда назарий масалаларни кенг кўламда, микро даражада эса кичик бир кўламда ўрганиш тушунилади. Макро даражада ўрганиш институт фаолиятдан мисол қилиб, Банк иши Мутахассисликларида 1-босқичдан то 4-босқичгача бўлган жараёни ўрганиш тушунилади, микро эса фақат 1-босқичдаги ўқув жараёнини ўрганишни ёки бир фанни ўрганиш жараёнларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Таққослаш усулида ўрганилаётган объект даврлар бўйича ёки бошқа бир объект билан таққосланади. Масалан, тижорат банк фаолияти 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси билан таққосланса ёки бир тижорат банк фаолияти бошқа бир тижорат банк фаолияти билан таққосланади.

Статистик усулда тадқиқот сонли кўрсаткичларга, жадвал маълумотларига асосланади. Жадвал маълумотларини чизмаларда акс эттириш график усул моҳиятини очиб беради. Мисол учун, ўқиш жараёнида ўтказиладиган тадқиқотлардаги маълумотларни жадвалларга киритиш, таққослаш ва уларни чизмалар, диаграммалар, расмларда акс эттириш, бажариладиган кури ишлари, амалий хисоботлар тайёрлаш, битирув малакавий ишларни бажаришдаги тижорат банкларнинг маълумотлар тахлили олиб борилади.

3.Олий таълим мактабининг ўрта мактабга нисбатан ўзига хос хусусиятлари.

Олий таълим мактабининг ўрта мактабга нисбатан фарқини аниқлаш учун дастлаб олий мактабининг асосий йўналишларини белгилаб олиш керак. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат: Масалан барча ўрта мактабларда бир хил фанлар ўтилса олий мактабларда соҳа, йўналиш ва Мутахассислигига мос фанлар ўргатиб борилади. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 15 дан ортиқ Мутахассислар бакалавр ва магистратурада тахсил олади уларда ўзига хос Мутахассислиги борасида турли фанлардан дарслар олиб борилади.

Олий таълим мактабида бериладиган билимлар ҳажмининг ўрта мактабларга нисбатан ҳажми ва мазмуни жиҳатидан устунлиги шундаки, олий таълимда ўтиладиган фанлар ўрта таълим фанлари базаси асосида ўргатилади.

Ўқитиладиган билимларни ихтисослиги олий таълим муассасалари бир неча Мутахассислик йўналишлари бўйича илмий ёндашувлар асосида Мутахассислар тайёрлайди.

Назарий билимлар билан амалий билимларни бир-бири билан ўзаро боғланиши ва тўлдириб бориши масалан, маруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория, ўқув ишлаб чиқариш ҳамда малакавий амалиёт, мустақил таълим ва бошқа шаклларда.

Агарда ўрта мактабда тақдим қилинадиган билимлар бир дарслик ҳажмида бўлса, олий мактабда 5-10 дарслик, ўқув қўлланма, Мутахассислигига доир меъёрий ҳужжатлар ҳажмида қўлланма ва тарқатма материаллар, оммавий ахборот воситалари (интернет, радио, телевидения, газета ва журналлар, банкларнинг норматив меъёрий ҳужжатлари) бўлади. Буларнинг ҳар бири чуқур билим олишга хизмат қилади. Ижтимоий ва иқтисодий масалалар билан боғланган қарорларни тушунтиришга эътибор берилади.

Олий таълим мактабида ёш жиҳатидан юқори бўлган (17 ёшдан катта бўлган) йигит ва қизлар таълим оладилар. Улар тартиб интизом жиҳатидан шаклланган бўладилар, ота-оналар мажлиси тез-тез чақириб турилмайди.

Ўрта мактабда талабанинг ўзлаштириш даражаси мунтазам текшириб борилади. Олий таълим мактабида рейтинг тизими жорий қилинган. Ўрта мактабда фанлар дарс сифатида ўргатилади. Олий таълим мактабида кўпроқ маъруза ва амалий машғулотлар асосида тушунтиришга аҳамият берилади. Олий таълим мактабларида талабаларнинг мустақил ишларини амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади.

Шундай қилиб, олий таълим ўзининг билим даражаси билан ўрта таълимдан кескин фарқ қилади. Бундай юқори даражада билим бериш учун мустақил ишлашга алоҳида аҳамият берилади.

Ҳозирги даврда фан-техника тараққиётининг ўта ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келди.

Лекин ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт ниҳоятда чекланган. Ахборот олинадиган манбалар турли-туман ва хилма-хил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янги-янги турлари вужудга келмоқда.

Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қилади ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан қабул қилинадиган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш туфайли уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш жараёни амалга оширилади. Ҳаёт учун кураш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаш, ҳимоя қилиш инстинкти янги билимлар учун интилишни ҳаётий заруриятга айлантиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билимлар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги кўйилган мақсад асосида белгиланган билим, кўникма ва тарбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълимнинг мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради.

АХБОРОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ҚУЙИДАГИ БИЛИМ БОСҚИЧЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ

- **Идрок** (маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).

- **Сезги** (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қилиш, улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади). Сезиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларига кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу—маълумотларни идрок қилиш, дейилади.

- **Хотира.** У механик, образли, қисқа ва узок муддатли, ихтиёрий, ихтиёрсиз, тезкор бўлиши мумкин.

- **Тафаккур.** Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алоҳида ажралиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши ҳам тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, классификациялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

• **Хаёл, ижодкорлик.** Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиролар қилиш кабилардан иборат.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани нима учун иқтисодий фанлар таркибидан ўрин олган?
2. Фанни ўрганиш усуллари ҳақида тушунча беринг
3. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани ўз предметини ўрганишда қайси фанлар билан алоқада бўлади?
4. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанини ўқитиш нима учун керак?
5. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фани нимани ўргатади унинг қандай вазифалари бор?
6. «Мутахассисликка кириш ва банк иши тарихи» фанининг мазмунида нималарни ўргатиш мақсади ётади ва унинг мутахассислар тайёрлашдаги роли қандай?
7. Олий таълим мактабининг ўрта мактабларга нисбатан устунлиг жиҳатлари нимада?
8. Назарий ва амалий билимлар қайси шакилларда олиб борилади?
9. Таълимнинг мақсади талабанинг қайси фазилатларини шакллантиради?
10. Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қандай билим босқичлари иштирок этади?

2-МАВЗУ.: ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛИ, МУЖАССАМЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун ҳужжати.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун ҳужжати.

Ҳар бир суверен давлатнинг бош ҳуқуқий асоси бу унинг Конституциясидир. Конституциямизнинг яратилиши ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги билан тавсифланади. Ўтиш давридаги мураккаб замонда яратилган ушбу бебаҳо ва беназир ҳужжат асосий қонун шаклида жамиятнинг, халқнинг манфаати ҳамда келажагига умид ва ишонч уйғотди, ижтимоий тараққиётга мўлжал олувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Конституциямизнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши биринчи Президентимиз И.А.Каримов номи билан боғлиқ. Маълумки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қизғин муҳокамалар натижасида суверен демократик давлатнинг Конституцияси сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Асосий қонунимиз давлат мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули халқ манфаатини таъминловчи олий қонун сифатида яратилди ва хурлигимиз мадҳияси сифатида яшамоқда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиши шакл-шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда:

биринчидан, ушбу ҳужжатда ҳуқуқий ва сиёсий онгнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон, конституциявийлик илмини ўзига жалб этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянилганлиги;

иккинчидан, бу ҳужжат, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимни амалда бошқа тизимга

айланганлигини, тубдан ўзгариш рўй берганини Конституциявий мустаҳкамлаганлигини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги сиёсий ҳужжатдир. Унда ижтимоий-сиёсий хусусият, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Асосий қонун дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини мустаҳкамлаб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари ҳамиша устувор, бирламчи кучга эгадир. Бошқа қонунларнинг барчаси у ёки бу тарзда конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради ва рўёбга чиқаради. Унинг асосида норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Мамлакатимиз Конституцияси кучли ахлоқий заминга эгадир. Унда аввало инсонпарварлик, адолат ғоялари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг “инсонга қаратилганлиги” хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Конституциянинг марказида инсон, фуқаро, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туради.

Шу ўринда айтиш ўринлики, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда жамиятни умуминсоний қадриятлар асосида ташкил этишда, шубҳасиз Конституциянинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини эътибордан қолдирмаслик зарур. Мазмун моҳияти билан ҳуқуқий демократик давлатда ҳеч бир фуқаро ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шаҳсий ҳаётини, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Шунинг учун ҳам биз Конституциямиз мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, олдимизда турган муаммоларни ечишда Асосий Қонунимиздан жавоб топишга интилишимиз лозим.

Мустақил давлатимизнинг Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари йиғиндисини ифодаладиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган ва халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи энг олий қонун сифатида доимий йўлчи юлдуз бўлиб халқимиз бораётган йўлни ёритиб боради.

Асосий Қонунимизнинг олдинги қонунлардан ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, 1992 йилги Конституциямиз ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир.

Иккинчидан, Конституциямиз ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради.

Учинчидан, Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.

Тўртинчидан, Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган.

Бешинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституциямиз энг тараққий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия Швеция, Италия каби Ғарб давлатлари, руҳияти ва этник жиҳатлардан бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи халқаро ҳужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

Олтинчидан, Конституциямизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-маънавий ва ҳуқуқ қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштирилиб кўлланилганидадир.

Конституциямизнинг асосий моҳияти унинг халқ манфаатлари учун хизмат қиладиган, ҳуқуқий демократик давлат куриш асослари белгилаб берилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳаракат қилар экан, ҳар томонлама ривожланган, эркин шахсни шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Таълим соҳасида мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини олиб бориш ва бу вазифани ечишда асосий воситалардан биридир.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948 йил) асосланиб берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди.

Таълим олиш ҳуқуқига тегишли халқаро ҳужжатлар (1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция) шуни эътироф этадики, “таълим” ибораси ўқитишнинг барча

турларини ва босқичларини қамраб олади ва таълим олиш имконига эга бўлиш, таълимнинг даражаси ва сифати, шунингдек, таълим бериш шароитларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бошланғич таълимнинг мажбурий ва бепул қилишни, ўрта таълимни унинг барча турларида умум эришадиган қилишни ва ундан ҳамманинг фойдаланишини таъминлашни, олий таълимни тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилишни, қонунда белгиланган ўқишнинг мажбурийлигини таъминлашни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб узлуксиз таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини мустахкамлаб қўйди.

Таълим шакли ва босқичларининг кўп хиллилиги шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда унинг таълим олиш ҳуқуқини иложи борича тўлароқ амалга оширишга имкон беради.

Таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундан иборатки, у Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун таълим ва тарбиянинг барча шаклларида тенг фойдаланиш имкониятини беради.

Таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш қуйидагилар орқали таъминланади:

- таълим олиш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг тармоғини яратиш;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг барча учун имконияти борлиги;
- давлат таълим муассасаларидаги таълимнинг бепуллиги;
- таянч маълумот олишнинг мажбурийлиги;
- таълимнинг турли шаклларини қўллаш;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга қарам эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб кўрсатилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратибгина қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир кишининг эҳтиёжига кўра таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ишчан механизми шаклланган бўлиб, у тегишли моддий - техник шарт - шароитлар билан мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга бағишланган барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар негизда Конституцияда назарда тутилган демократик рух билан суғорилган асосий ғоя ва қоидалар ётади. Конституция асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча қонунлар Конституциявий тамойилларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида жорий этилиши учун муҳим восита вазифасини бажаради.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган бўлиб ушбу қонун 5 бўлим ва 34 моддадан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Билим олиш ҳуқуқи:

1. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
2. Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;
3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;
4. Барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;
5. Оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг **асосий принциплари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
8. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ушбу қонунда тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми назарда тутилган. Унга асосан, таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади. Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим

мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди деб кўрсатилган.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиниши алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

-давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

-таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

-таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасида Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади деб кўрсатилган. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 20-моддасида таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, яъни норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминлаш, 21-моддасида таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига

табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақлилиги, 22-моддасида етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллари вакилликсиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, 23-моддасида эса жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлиши белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қоидаларига, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: Давлат таълим стандартларини жорий этишни, янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар

даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг вазифалари:

-таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

-кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

-таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

-узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари:

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий

таракқиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

иктидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислохотлар қуйидагиларни назарда тутади:

-давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

-мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

-илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шакллари ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

-таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

-узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

-туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

“Жорий йилда янги таълим муассаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилади. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунинг, 107 та мактабгача таълим муассаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва ахамиятини эътиборга олиб, мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик. Биз ушбу соҳанинг моддий техника базасини мустахкамлашимиз, жумладан, яқин 3 4

йилларда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Кўплаб ота оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.

Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қондириш учун тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогока институти ташкил этилган. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди.

Таълим тизимида инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар учун ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар қаторида олмалиқ шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассаларида иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждавн келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўпйиллик танафуздан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб қоламиз.

Буларнинг барчасида биз ягона бир мақсадни тўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

Шу билан бирга, илм фан, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида сидқидилдан хизмат қилаётган юртдошларимизни моддий ва маънавий

қўллаб қуватлаш, жумладан, уларнинг уй жой, ижтимоий ва таббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг салохиятини юзага чиқариш бўйича қабул қилинган барча қарорларнинг ижроси албатта таъминланади.

Нега деганда, ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик бу игна билан кудук қазишдек машақатли иш. Бу билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур”².

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинди?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қандай муҳим йўналишлари белгилаб берди?
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари нималарда?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида қандай ҳуқуқ ва кафолатлар кўрсатилган?
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 1997 қачон қабул қилинган ва қандай ҳуқуқий асосларини белгилайди?
7. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат?
8. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга биноан таълим тарбия бериш қандай таълим турларида амалга оширилади?
9. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қасон қабул қилинди?
10. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади нима?
11. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг вазифалари нималардан иборат?
12. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари қандай амалга оширилади?
13. Таълим тизимида амалга оширилган ишлар ва ривожлантириш истиқболларини ёритинг.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2017 йил 22 декабр.

3-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА


Режа:

1. Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таълим тизими ва босқичлари.
2. Таълим тизimini ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти.

Асосий тушунчалар: Таълим, бошланғич таълим, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, олий таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, бакалавриат, магистратура, институт, университет.

1.Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда таълим тизими ва босқичлари.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган таълим тизими: Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.



1) **Мажбурий умумий мактаб таълими:** бошланғич (1-4-синфлар) ва умумий ўрта (5-9-синфлар) ва ёки (10-11)

2) **Ўрта-махсус, касб-хунар таълими** (ўқиш муддати – умумий ўрта мактаб таълимидан сўнг 3 йил): академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари;

3) **Олий таълим:** Олий таълим муассаслари – бакалавриат (4-5-йил) ва магистратура (2-3 йил).

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
2 БОСҚИЧДАН ИБОРАТ:**

Бакалавриат —

мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура —

аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Олий ўқув юртларидан кейинги таълим **3** йилгача давом этади. Унинг 2 хил **шакли** мавжуд: **катта илмий ходим-изланувчилар** институти ҳамда **мустақил изланувчилик**.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Германия Конституциясига мувофиқ, мактаб таълими давлат назоратидадир. Мамлакатда 16 та федерал ҳудуд мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири ўзининг таълим тўғрисидаги қонунига эгадир. Шу сабабли федерал ҳудудларнинг мактаб таълим тизимида айрим фарқлар бор. Масалан аксарият ҳудудларда бошланғич таълим 4 йил (биринчи синфдан тўртинчига қадар), Пойтахт Берлинда эса-6 йил. Аммо бу тартиб қоидаларга қарамасда, барча ҳудудлар учун умумий тартиб –қоидалар амал қилади. Германияда мактаб

таълими мажбурий ва бепул. 6 ёшдан 18 ёшгача фуқаролар мажбурий тартибда таълим олиши шарт қилиб белгиланган. Мактаб таълим тизими эса бошланғич, ўрта ва юқори босқичларга бўлинади. Ўқувчиларга 3 синфдан баҳо қўйила бошлайди. Германияда 6 баллик баҳо тизими қабул қилинган.

Бунга кўра:

- 1 –аъло;
- 2 –яхши;
- 3 – қониқарли;
- 4 - етарли;
- 5-етарли эмас;
- 6-қониқарсиз.

Ўқувчилар фанни камида 4 га ўзлаштириши керак.

Германияда таълим босқичлари қуйидагича: асосий таълим – 4 йил (педагогик таълим бундан мустасно – 3 йил); амалиёт – 18 ой ҳамда имтиҳон топшириш ва диплом олиш. Германия олий таълим тизими олий ўқув юртлари турларининг кўплиги билан фарқланади. Хусусан, Германияда олий таълим тизими: университетлар ва институтлар; махсус олий ўқув юртлари; педагогик ва теологик олий ўқув юртлари; бошқарув ва санъат олий мактаблари; касбий олий мактаблар (академия) тизимини қамраб олади.

Германияда Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озиқ-овқат харажатларини кўтара олмаса, “Ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Федерал қонунга кўра, улар молия ёрдамини оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Францияда таълим 6 ёшдан 16 ёшгача мажбурий ҳисобланади.

Таълим бир нечта бўғинлардан иборат:

- 1) **бошланғич** таълим (фр. *enseignement primaire*) – болалар боғчасида (фр. *L'école maternelle*) 3 – 4 йил бошланғич мактабда (фр. *L'école élémentaire*) 5 йил.

2) **ўрта** таълим (фр. *enseignement secondaire*) – коллежда (фр. *Le collège*) 4 йил ва лицейда (фр. *Le lycée*) 3 йил.

3) **олий** таълим (фр. *enseignement supérieur*) – ўрта таълимни тугатганлик тўғрисидаги бакалавр дипломини (фр. *Baccalauréat*) олгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

АҚШда таълим тизими. АҚШда саводлилик даражаси – 99%.

1862 йилда Морилла Қонуни қабул қилиниши билан таълим тизимига бегараз давлат кўмагини кўрсатиш бошланди.

Мажбурий таълимнинг давомийлиги ва ёши штатларга қараб фарқланади. Болалар таълим олишни 5 ёшдан 8 ёшгача бўлган ёшда бошлайдилар ва бу 18 ёшдан 19 ёшгача давом этади.

5 ёшда америкалик болалар бошланғич мактабга (инг. *elementary school*), нолинчи синфга борадилар. Ушбу синф айрим штатларда мажбурий ҳисобланмайди.

Бошланғич мактаб 5 ёки 6 синфгача давом этади (мактаб округига қараб), ундан сўнг ўқувчи ўрта мактабга (инг. *middle school*) боради, у 8 синфда яқунланади.

Олий (юқори) мактаб (инг. *high school*) – 9 синфдан 12 синфгача давом этади.

Ўрта таълимга эга шахслар таълими икки йўсинда давом этиши мумкин:

1) жамоат коллежларига (*community college*, улар шунингдек, бошланғич коллеж (*junior college*) ҳам деб номланади), техник коллежларга (*technical college*) ёки шаҳар коллежларига (*city college*) киришлари мумкин бўлиб, икки йиллик таълимдан сўнг Ўзбекистондаги ўрта-махсус таълим даражасига тенг даража (*associate's degree*) беради.

2) таълимни давом эттиришнинг бошқа имконияти коллеж ёки университетларга қабул қилиниш бўлиб, у ерда тўрт йиллик таълим олиниб, бакалавр даражасига эга бўлинади.

Бакалавр даражасини олган шахс магистр (2-3 йил) ёки фалсафа доктори (3 йил ва ундан зиёд) даражасини олишда давом этиши мумкин. Алоҳида аккредитациядан ўтган ОТМ ва факультетлар тиббиёт доктори ва ҳуқуқ доктори даражасини берадилар, улар учун махсус таёргарлик талаб қилинади.

Японияда таълим тизими куйидаги босқичлардан иборат: ихтиёрий босқич – болалар боғчаси; мактаб таълими – у ўз навбатида кичик (1-6 синфлар), ўрта (7-9-синфлар) ва юқори (10-12-синфлар) мактабга бўлинади, бунда ўрта мактабдан сўнг турли хил ихтисослашган мактаб ва технологик

коллежларга ўтиш мумкин; олий таълим (13-18-босқичлар) – у университет ва ноуниверситет секторига бўлинади.

Олий таълим тизими ўз ичига таълим муассасаларининг қуйидаги тўрт турини қамраб олади: 1) тўлиқ циклдаги (4 йил) ва тезлашган циклдаги (2 йил) университетлар; 2) касб-хунар коллежлари; 3) махсус тайёргарлик мактаблари (технологик институтлар); 4) дипломдан кейинги таълим мактаблари (магистратура).

Ноуниверситет сектори моҳиятига кўра иккинчи даражали таълим муассасалари бўлиб, таълим функциясидан ҳам кўра кўпроқ ижтимоий вазибаларни бажаради. Улар ҳуқуқий нуқтаи назаридан тўлақонли олий таълим муассасаси ҳисоблансада, амалда кадр тайёрлаш ва дипломи нуфузи бўйича олий мактабга мос келмайди.

Жанубий Корея таълим тизими 6 йиллик бошланғич мактаб, 3 йиллик асосий ўрта мактаб, 3 йиллик юқори мактаб, 4 йиллик коллеж ва 4 йиллик университетлардан иборат. Шунингдек, 2 ва 3 йиллик махсус ва касбий – техник коллежлар мавжуд. ОўЮдан кейин магистратура ва докторантурада таҳсил олиш мумкин. Жанубий Корея олий таълим қуйидаги босқичларда олиб борилади: бакалавриат, магистратура, докторантура. Бакалавриатда ўқиш муддати 4 йил. Талабалар 140-150 соат атрофида таҳсил оладилар. Магистратурада ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёқлайдилар. Докторантурада ўқиш муддати 3-4 йил. Ўқиш якунида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, оғзаки ёки соҳавий махсус имтиҳон топширилади.

Хитойда эса, олий таълим тизими ўз ичига университет, коллеж ва олий касбий мактабларни олади, ҳамда ўзининг нуфузига кўра бир неча иерархик категорияларга бўлинади. Мактаб битирув имтиҳонларида олинган балларга кўра битирувчилар олий ўқув юртларининг юқори ёки қуйи тоифаларига номзод бўла оладилар. Хитой университетларига кириш қатъий рақобат шароитида ўтади: баъзи университетларда битта ўринга 200-300 киши тўғри келади. Хитойда, худди Ғарб давлатларидаги каби уч босқичли цандарт тайёрлов босқичи мавжуд. Булар: бакалавриат – ўқиш муддати 4-5 йил. Бу босқични тугатганлар “Бакалавр” мақоми билан тугалланган олий таълим оладилар. Магистратура – ўқиш муддати 2-3 йил. Докторантура – ўқиш муддати 2-3 йил, баъзан 4 йил. Аспирантлар учун таълимнинг икки босқичи мавжуд: аспирантура ва докторантура.

2. Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишда халқаро стандартларнинг аҳамияти.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **БМТ хужжатлари:**

- 1) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (10.12.1948 й. 217А (III) Резолюция);
- 2) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (16.12.1966 й.);
- 3) Таълим соҳасидаги дискриминацияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (15.12.1960 й.);
- 4) Касбий ва техник таълим тўғрисидаги Конвенция (10.11.1989 й.);
- 5) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (20.11.1989 й.);
- 6) “XXI аср учун олий таълим: ёндашувлар ва амалий чоралар” Бутунжаҳон декларацияси (09.10.1998 й.);
- 7) Ижтимоий тараққиёт ва ривожланиш декларацияси (БМТ Бош Ассамблеяси, 11.12.1969 й.);
- 8) Тинчлик маданияти соҳасидаги Декларация ва ҳаракат дастури (БМТ Бош Ассамблеяси, 13.09.1999 й.).

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасига кўра, Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳаммининг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим.

Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда БМТнинг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини ташлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 13-моддасининг мувофиқ, ушбу пактда қатнашувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини тан оладилар. Улар таълим инсон шахсини тўлиқ ривожлантиришга ва унинг шаънини англаб етишга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиши лозимлигига розилик билдирадилар. Улар яна таълим

барчага эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишлари учун имконият бериши, барча миллатлар ва барча ирқлар, этник ва диний гуруҳлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бағрикенглик ва дўстликка шароит яратиши ҳамда БМТнинг тинчликни қўллаш бўйича ишига ёрдамлашиши лозимлигини ҳам тан оладилар.

Ушбу пактда қатнашувчи давлатлар ушбу ҳуқуқни тўлиқ амалга ошириш учун қуйидагиларни тан оладилар:

А) бошланғич таълим барча учун мажбурий ва бепул бўлиши лозим;

Б) ўрта таълим ўзининг турли шаклларида, шу жумладан, касбий техник ўрта таълим барча зарур чораларни кўриш, хусусан, бепул таълимни босқичма-босқич жорий этиш орқали барча учун очиқ ва қулай бўлиши лозим;

В) олий таълим барча зарур чораларни кўриш орқали, хусусан, босқичма-босқич бепул таълимни жорий этиш орқали барча учун ҳар бир кишининг қобилиятлари асосида бир хилда имконли бўлиши лозим.

Г) элементар таълим ўзининг бошланғич таълим курсини ўтамаган ёки тўлиқ тамомламаганлар учун рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

Д) барча бўғиндаги мактаблар тизими фаол ривожлантирилиши, қониқарли стипендиялар тизими ўрнатилиши ҳамда ўқитувчилар таркибининг моддий шарт-шароитлари доимий яхшиланиб бориши лозим.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 17, 28, 29, 30-моддалари ҳам болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **Европа ҳужжатлари:**

1) Европа минтақасида олий таълимга тааллуқли малакани тан олиш тўғрисидаги Лиссабон конвенцияси (11.04.1997 й.);

2) Университетларга кириш ҳуқуқини берувчи дипломлар эквивалентлиги тўғрисидаги Европа Конвенцияси (11.12.1953 й.);

3) Университет таълими даврийлиги эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (15.12.1956 й.);

4) Университет малакаларини академик тан олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (14.12.1959 й.);

5) Университет таълими даврийлигининг умумий эквивалентлиги тўғрисидаги Европа конвенцияси (06.11.1990 й.);

6) Европа минтақаси давлатларида ўқув курсларини, олий таълим ва илмий даражаларини тан олиш тўғрисидаги Конвенция (21.12.1979 й.);

7) Европа маданият Конвенцияси (19.12.1954 й.).

Европа олий таълим ҳудуди: Европа таълим вазирлари қўшма мурожаати (Болонья декларацияси, 1999 йил 19 июнь) 6 та асосий мақсадни белгилаб беради:

1) Европа фуқароларининг меҳнат қилиш имкониятини таъминлаш ва Европа олий таълим тизим халқаро рақобатбардошлигини ошириш мақсадида осон тушуниладиган ва таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, шу жумладан, дипломга Иловани жорий этиш орқали;

2) моҳиятан икки асосий – даражагача ва даражадан кейинги циклларга асосланган тизимни қабул қилиш. Иккинчи циклга кириш давомийлиги уч йилдан кам бўлмаган биринчи цикл ўқишини муваффақиятли яқунлашни талаб қилади. Биринчи циклдан кейин бериладиган даража Европа меҳнат бозорида тегишли даражадаги малака сифатида талабчан бўлиши лозим. Иккинчи цикл аксарият Европа мамлакатларидаги сингари магистр ва (ёки) доктор даражасини олишга йўналтирилган бўлиши лозим;

3) ECTS – меҳнат лаёқати бирликларини топшириш европача тизими бўйича кредитлар тизимини жорий этиш.

4) эркин ҳаракатланишни самарали амалга ошириш учун тўсиқларни бартараф этиш орқали саъй-ҳаракатларни умумлаштиришга кўмаклашиш, шу жумладан, қуйидагиларга эътибор қаратиш: ўқувчиларга таълим олиш ва амалий таёргарлик кўриш ва тегишли хизматлардан фойдаланиш имконияти таъминланиши лозим; ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва маъмурий ходимларга тадқиқот ўтказишга, дарс беришга ва стажировка ўташга сарфланган вақтларини қонунда белгиланган ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда тан олиш;

5) ўзаро мутаносиб мезонлар ва методологияларни ишлаб чиқиш мақсадида таълим сифатини таъминлашда Европа даражасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш;

6) Европада олий таълимга, шу жумладан, ўқув режаларини ривожлантиришга, институтлараро ҳамкорликка, ўзаро ўқитиш дастурлари ва илмий тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказишга доир зарур қарашларни шакллантиришга ёрдам кўрсатиш.

Болонья декларациясини имзолаган шахслар (жами 31 та): Австрия Фан ва транспорт вазири; Бельгия Француз ҳамжамияти олий таълим ва тадқиқот вазирлиги Бош директори; Болгария Таълим ва фан вазири; Чехия

Таълим, ёшлар ва спорт бўйича вазир; Дания Таълим вазири; Эстония Таълим вазири; Финляндия Таълим ва фан вазири; Франция Миллий таълим, тадқиқотлар ва технологиялар вазири; Германия Таълим ва тадқиқотлар Федерал вазирлиги Давлат парламент котиби; Бельгия Фламандия ҳамжамияти вазирлиги таълим департаменти бош директори; Шлезвиг-Гольштейн ери таълим, фан, тадқиқот ва маданият вазири (ГФР ерлари маданият вазирларининг доимий амал қилувчи конференцияси); Греция Халқ таълими ва дин ишлари вазири; Венгрия Олий таълим ва фан бўйича давлат котиби ўринбосари; Исландия Таълим, фан ва маданият вазирлиги Бош котиби; Ирландия Таълим ва фан вазирлиги бошқарувчи ходими; Италия Университетлар, илмий ва технологик тадқиқотлар вазири; Латвия Олий таълим ва фан давлат вазири; Литва Таълим ва фан вазири; Люксембург Миллий таълим ва касбий-техник тайёргарлик вазири; Мальта Таълим вазири; Нидерландия Таълим, маданият ва фан вазири; Норвегия Таълим, тадқиқотлар ва черков ишлари бўйича вазири; Польша Миллий таълим бўйича давлат котиби; Португалия Таълим вазири; Руминия Миллий таълим вазири; Словакия Таълим вазири; Словения Олий таълим бўйича давлат котиби; Испания Таълим, университетлар, тадқиқот ва ривожланиш ишлари бўйича давлат котиби; Швеция Таълим ва фан ишлари бўйича давлат котиби; Швейцария Фан ва тадқиқот ишлари бўйича давлат котиби; Буюк Британия таълим ва бандлик бўйича давлат вазири.

Болонья жараёни асосий қоидалари. Даражалар тизими: I даража – бакалавр – 3-4 й.; II даража – магистр – +1-2 й.; докторант – +3 й.; (жами – 3-5-8 йил). Бакалавр меҳнат бозорида талабчан бўлиши лозим. Таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги билан ушбу масала музокаралар олиб боради. ECTS (тўпловчи ва ўтказувчи тизимлар) – бир семестрда 30 кредит, йилига 60 кредит тўплаш керак. Ҳозирда сўз дипломларни тан олиш ҳақида бормоқда, уларнинг ва ўқитиш даврининг эквивалентлиги ҳақида эмас.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **ЮНЕСКО хужжатлари:**

1) Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари декларацияси (ЮНЕСКО, 04.11.1966 й.);

2) “Ўқув курслари ва олий таълим тўғрисидаги гувоҳномани тан олиш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (13.11.1993 й.);

3) “Олий таълим муассасалари ўқитувчи кадрлари мақоми тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (11.11.1997 й.);

4) “Таълим соҳасида дискриминацияга қарши кураш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (Париж, 14.12.1960 й.);

5) “Вояга етганлар таълимини ривожлантириш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (Париж, 26.11.1976 й.);

6) “Ўқитувчиларнинг ҳолати тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (05.11.1966 й.).

“Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Конвенцияси. Мазкур Конвенция Парижда 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган бўлиб, БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси 11-сессиясида қабул қилинган ҳисобланади. Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис 1997 йил 30 августдаги 497-І-сон қарорига мувофиқ қўшилган ва Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 8 мартдан кучга кирди. Мазкур Конвенцияда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик принципини тасдиқлашини ва ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эълон қилишини эслатиб ўтган.

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга оид **МДХ ҳужжатлари.**

1) Таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишув (Тошкент, 15.05.1992 й.).

2) МДХ иштирокчи-давлатлари таълим фаолиятини лицензиялаш, олий таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги Келишув (2003 йил);

3) МДХ иштирокчи-давлатларининг таълим соҳасидаги ахборот алмашинуви тўғрисидаги Келишув (2002 йил);

4) МДХ иштирокчи-давлатларида олий таълим муассасалари филиалларини яратиш ва ишлаши тартиби тўғрисидаги келишув (2002 йил);

5) МДХда ягона таълим ҳудудини шакллантириш бўйича МДХ иштирокчи-давлатларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги келишув;

6) МДХ доирасида илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаси тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув (Москва, 13.03.1992 йил);

7) МДХ иштирокчи-давлатлари фуқароларига умумий таълим муассасаларидан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги келишув (16.04.2004 йил).

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги икки тарафлама ҳамкорлик бўйича халқаро ҳужжатлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.1998 й. 201-сон "Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Словакия ҳукуматлараро комиссиясини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.05.1998 й. 192-сон "Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини тузиш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.06.1998 й. 248-сон "Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясининг Ўзбекистонга оид қисмини тузиш тўғрисида"ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар ва илмий-техникавий соҳаларда 2013 - 2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури (Москва, 2013 йил 15 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (Тошкент, 2008 йил 17 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда профессионал таълимнинг имкониятларини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги Келишув (Тошкент, 2007 йил 28 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Миср Араб Республикаси Тарбия ва таълим вазирлиги ўртасида англашув меморандуми (Қоҳира, 2007 йил 26 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида алмашув Дастури (Дастур Деҳли шаҳрида 2005 йил 5 апрелда имзоланган);

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Польша Республикаси Ҳукумати ўртасида маданият, фан ва таълим соҳаларида 2004-2006 йиллар учун Ижроия Дастури;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Монголия Ҳукумати ўртасида маданият ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида ахборот-маданият марказларини таъсис этиш ва улар фаолиятининг шарт-шароитлари тўғрисида Битим (Москва, 1998 йил 6 май, 2006 йил 16 майдан кучга кирган).

Таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар.

ЮНЕСКО – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти. Универсал хусусиятдаги ҳукуматлараро ташкилот: дунёнинг турли минтақаларида таълимни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказди; таълим бўйича маъруза, ҳисоботлар ва ахборот-таҳлилий материалларни чоп этади, ҳамкорлик ва таълимни ривожлантириш масалалари бўйича халқаро конференция ўтказди.

ЮНЕСКО томонидан чоп этиладиган ҳужжатлар: ЮНЕСКОнинг статистик йилномаси (дунёнинг минтақалари ва давлатлари бўйича фаннинг ривожланиши ва саводхонлик даражаси тўғрисида маълумотлар); Таълим бўйича бутунжаҳон маълумотномаси – бутун дунё бўйича миллий таълим тизимлари тўғрисида маълумот; Таълим бўйича бутунжаҳон маърузаси – таълимни ривожлантириш ва молиялаштириш бўйича статистик маълумотлар.

Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси – The European Association for Quality Assurance in Higher Education - ENQA. ЕИ аъзо-давлатлари таълим муассасалари учун стандартларни, тартиб-таомиллар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи, шунингдек, Болонья жараёнларини тартибга солувчи бош ташкилот. ENQA илғор тажрибаларни ривожлантириш ва алмашиш ва таълим соҳасида ягона Европа стандартларини ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим сифатини таъминлаш соҳасида ҳамкорликка кўмаклашади.

Олий таълим сифати бўйича Европа реестри – The European Quality Assurance Register for Higher Education – EQAR. Қуйидагилар учун шароит яратади: олий таълим муассасаларига ишонч рейтингини эълон қилиш ва шу орқали “аккредитация фабрикалари” мавжуд бўлиши имкониятларини қисқартириш йўли билан талабалар саъй-ҳаракатларини бирлаштиради; таълимда сифатни таъминлаш бўйича агентликлар фаолиятини сифатини яхшилаш воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда улар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди; олий таълим муассасаларига таълим сифатини таъминлаш бўйича турли агентликларни танлаш имкониятини беради.

Араб давлатлари Лигасининг Таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти – Arab League Educational Cultural and Scientific Organization – ALECSO. ALECSO таълим соҳасида: минтақавий ҳамкорликни ривожлантиради; АЛЕКСО мамлакатларида таълимни молиялаштириш манбалари ва механизмларини ривожлантиради; аёллар таълимини юксалтиради; имконияти чекланган шахсларни таълим жараёнига

жалб қилади; минтақа мамлакатлари ўртасида университет таълими таълим цикллари бирхиллаштиради; масофали таълимни ривожлантиради; таълим сифатини баҳолашнинг миллий институтлари, стандартлари, мезонларини ишлаб чиқади ва ривожлантиради.

Университетларнинг халқаро ассоциацияси – International Association of Universities – IAU. 120 дан ортиқ мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини бирлаштиради. IAU ўз фаолиятида турли фаолият соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича чораклик журнал нашр этади. IAU томонидан чоп этиладиган Университетлар халқаро йиллик маълумотномаси бутун дунё мамлакатларида таълим ташкилотлари тўғрисида маълумотларни қамраб олади. Ассоциация Европа ўқув муассасаларида Болонья жараёни асосий принципларини жорий этишга кўмаклашади.

Академик ҳамкорлик Ассоциацияси – Academic Cooperation Association – АСА. Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари: олий таълим интернационализациясига кўмаклашади; ойлик электрон ахборотнома чоп этиш, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали Европа ва халқаро ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтган энг долзарб ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади; олий таълим интернационализациялаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказиши ва улар натижаси бўйича нашрлар чоп этади; олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиши.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистонда таълим тизими неча босқичга бўлинади?
2. Мажбурий таълимнинг мақсад моҳияти нимада?
3. Германия таълим тизимининг ўзига хослиги нимада?
4. Франция таълим тизими нечта буғиндан иборат?
5. Япония таълим тизимининг босқичларини айтиб беринг.
6. Жанубий Кария таълим тизимида олий таълим қандай?
7. АҚШ таълим тизимининг ўзига хослиги нимада?

4- МАВЗУ: САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ТАРИХИ

Режа:

1. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тарихи.
2. Банк ва жамғарма иши кафедраси хайёти.
3. Ўқув жараёни ва уни ўзлаштириш

Асосий тушунчалар: Банк, жамғарма, кафедра, факультет, раҳбар, педагог, талаба, магистр.

1. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тарихи.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 1931 йилнинг 15 феввалида Тошкентда «Ўрта Осиё Режалаштириш институти» сифатида ташкил топган. 1935 йил апрел ойида мазкур институт Ўзбекистон Давлат режа кўмитаси ихтиёрига ўтказилди ва унга «Ўзбекистон Режалаштириш институти» деб ном берилди. 1935 йил август ойида институт Тошкентдан Самарқандга кўчирилди.

1936 йилда Ўзбекистон Режалаштириш институти давлат савдоси ва кооперация институти билан бирлаштирилиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги институтига айлантирилди. 1949 йил 10 июнда мазкур институтга Самарқанд совет савдоси институти номи берилди.

Иттифоқ Вазирлар Маҳкамасининг 1960 йил 23 ноябрдаги қарорига мувофиқ ушбу институт Центросоюз ихтиёрига ўтказилди ва Самарқанд кооператив институти деб номланди. 1998 йил 24 мартдан Вазирлар Маҳкамасининг 123-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 март 144-сонли қарори билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига айлантирилди.

2. Банк ва жамғарма иши кафедраси тарихи

«Банк ва жамғарма иши» кафедраси Республика банк молия тизимини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва ушбу соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги 144-сонли Қарори ва институт илмий кенгашининг 2006 йил 31 мартдаги 8-сон Қарори

хамда институт ректорининг 2006 йил 31 мартдаги 47 ”Ф” ва 2006 йил 5 июлдаги 94 “Ф” буйруғига биноан ташкил этилган. 2006-2008 йилларда и.ф.д. профессор Рашидов Ўктам Рашидович биринчи кафедра мудирини эиб тайинланди.

2008 йилдан “Банк ва жамғарма иши” кафедрасини мудирини и.ф.н. Ниёзов Зухур Давронович тайинланди.

Кафедра жамоасига Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Давлат Таълим Стандартларида белгиланган вазифаларини амалга ошириш, Банк тизимига замон талабига жавоб берадиган малакали ва етук мутахассисларни тайёрлашдек юксак масъулият юкланган.

Кафедра ўз фаолиятини амалиёт билан узвий боғлиқликда ўқув – услубий, илмий – тадқиқот, ишларини ҳамда тарбиявий ишларни йўналишларини замонавий талабларга жавоб бериши борасида изчиллик билан янгиликларга эргашган ҳолда олиб бормоқда.

Кафедрада бакалаврият ва магистратура мутахазизликларида қуйидаги фанлар ўтилади:

БАКАЛАВР ТАЪЛИМ ЙУНАЛИШИ БЎЙИЧА

- Мутахассисликка кириш;
- Пул ва банклар;
- Банк менежменти ва маркетинг;
- Банк иши;
- Кичик бизнес инвестицияларни кредиташ;
- Банк стратегияси;
- Пул кредит орқали мувофиқлаштириш;
- Чет мамлакатлар банк тизими;
- Халқаро валюта ва кредит муносабатлари;
- Банкларда интеграциялашган ахборот тизими;
- Банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари.

Юқоридаги келтирилган фанлар бўйича намунавий ўқув дастурларининг аксарият қисми таянч олий ўқув юртларидан олиб келинди, танлов фанлар бўйича эса кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан тайёрланди.

Ҳозирги кунда кафедрада 13 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда.

МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

- Банк рисклари;
- Махсус фанларни ўқитиш методикаси;
- Монетар сиёсат;
- Нақд пулсиз ҳисоб-китблар ва тўлов тизими;
- Тижлрат банклари ресурсларини бошқариш;
- Ҳалқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар;
- Хорижий мамлакатларда банк иши.

Ҳозирги вақтда кафедрада 1 нафар фан доктор. Ф.И. Мирзаев 5 нафар и.ф.н., доцентлар (З.Д. Ниёзов, З.Ш. Ҳайдаров, Д.Х. Мухитдинов, А.У.Тухтамишев, Б.Н. Насриев, О.Д.Хамракулова, З.Ж.Расулов), 1 нафар катта ўқитувчи (Ф.М. Даминов), 9 нафар ассистент (А.А. Бекмурадов, Х.Д. Казаков, Р.И. Азимова, Д. Маликова, А.М.Каримова, А.Хожимамедов, Ғ.Ж. Эсанбоев, К.Ж. Муҳаммадиев, С.С. Тоғаев), 1 нафар кабинет мудири фаолият кўрсатмоқда.

Малака ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон фармони ижроси кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан изчил таъминланиб келинмоқда.

Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш

Бугунги кунгача кафедра 300 дан ортиқ, банк иши мутахассисларини тайёрлаган булиб, улар Республикамиз Банк тизимининг ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1 август 2008 йилдаги № 237 сонли «Олий таълим муассасалари кафедраларида илмий – тадқиқот ишлари, илмий – педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда талабалар илмий – ижодий фаолиятини ташкил этиш юзасидан юритиладиган ҳужжатлар намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан кафедрада 44 та иқтидорли талаба ишламоқда. Бу иқтидорли талабаларга кафедранинг этакчи профессор-ўқитувчилари илмий раҳбарлик қилишмоқда.

Иқтидорли талабаларимиз институт ва олийгоҳлар ўртасида бўладиган бир қанча кўрик танловларга мунтазам иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.



Ўқиш жараёнини амалиёт билан боғлаб бориш мақсадида кафедра қошида Тижорат банклари фаолиятида айна вақтда фойдаланилаётган ИАБС дастурининг ўқув дастури ўрнатилди ҳамда сўнги талқини билан янгиланди

дастур асосида талабаларга амалий билим берадиган махсус «Банк ўқув маркази» ташкил этилган.

Олиб борилган ишлар натижасида Банк иши таълим йўналиши битирувчилари талабалари Дилрабо Маликова, Дилноза Узакова, Собира Усмоновалар номзодлик стипендиялар билан битирган бўлсалар, Фазлидин Даминов ва Дилшод Умирзоқовлар Испанияда малакаларини ошириб қайтишди. Ҳозирги кунда ўқишларини давом эттириб Магистрлик дессиртациясини банк соҳаси билан боғлаган ҳолда олиб бормоқда.

Кафедра, талабалар амалиётини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 августдаги ПҚ-3151-сонли қарорининг ижросидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда тижорат банклари билан алоқани кенгайтириш мақсадида, банklar билан шартномалар тузилди, профессор ўқитувчилар стажировкаларини ташкил этиш, талабалар ва магистрлар амалиётини ўтказиш, битирувчиларни ишга жойлаштиришни таъминлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириб келмоқда. Бу борада етакчи банklar билан доимий равишда давра суҳбатлари олиб борилмоқда.

3.Ўқув жараёни ва уни ўзлаштириш.

Ҳар қандай мутахассисни тайёрлаш учун аввало шу мутахассисларни қабул қилувчи корхона ва ташкилотлар (Буюртмачилар) томонидан уларга кўйиладиган талаблар ишлаб чиқилади, малака тавсифномалари тузилади. Малака тавсифномаларда мутахассис нималарни билиши ва қандай ишларни бажара олиши лозимлиги қайд этилади. Давлат таълим стандартлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ таълим турлари ўртасида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган.

Ўқув режалар ва дастурлар. Ўқув режасидан ўқув жараёнда академик жадвалли ўқитиладиган фанлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлар, давлат имтихонлари ва бошқалар акс этади.

Ўқиш жараёни ташкилий ва услубий шакиллардангина иборат бўлиб қолмасдан, у кенг ва кўп қирралидир: ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарс

жадваллари, маслахатлар, турли хил тажриба ва бошқа шу кабиларни ҳам камраб олади. Унинг ҳар бир бўлаги ўз мазмуни ва йўналишига эгадир.

Ўқув режаси давлат ҳужжати бўлиб, ўқув ишлари тартиби, мазмуни, шакллари (турлари)ни аниқ белгилаб беради, шунингдек, талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Ўқув режасида маърузалар ва амалий машғулотлар, амалиётлар, сессиялар, малакавий битирув ишлари таътилларни олиб бориш ва ўтказишнинг муддатлари аниқ кўрсатилади. Ўқув режасига мувофиқ бошланғич курсларда кўпроқ гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, юқори курсларда эса мутахассислик бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилади. Масалан, “Банк иши” йўналишида бошланғич курсларда Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, ўзбек тили, чет тили ва бошқа фанлар ўтилса, юқори курсларда ўқув дастуридан мутахассисликка бевосита талукли бўлган молия, пул, кредит, банклар, молия, солиқлар, банк иши, жамғарма иши, бухгалтерия ҳисоби ва ишлаб чиқариш амалиётлари кўпроқ ўрин олади.

Ўқув режалар ҳамма олий ўқув юртлари ва мутахассисликлар учун бир хил эмас, чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқув муддатларини белгилашда ҳисобга олинади. Шунга мувофиқ ўқитиладиган фанлар, курс ишлари, мустақил ишларининг миқдори семестрлар бўйича аниқ белгилаб берилади.

«Банк иши» мутахассислиги бўйича ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли қарори билан тасдиқланган унга кўра:

“Банк иши” йўналишининг қўлланиш соҳаси ва вазифаси.

Банк иши – иқтисодий фанлар соҳасидаги йўналишдир. У банк ишининг, монетар сиёсат ва пул муомаласининг банк менежменти ва маркетинги, тижорат банкларни назорат ва аудитни ташкил қилиниши ва ўтказилиши бўйича билимлар мажмуасини беради.

Талабалар кундузги таълим шаклида 4 йил муддатда ўқитиладилар ва таълим олиш якунида бакалавр малакавий даражаси берилади.

Бакалавр қуйидагиларга тайёр бўлишлиги талаб этилади:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида кўшимча касб таълими олишга.

Талабаларнинг бир ҳафталик энг юқори ўқув юкламаси 54 соат бўлиб, бундан 38 соат аудиторияда ўқиш, 18 соати-мустақил ишларга ажратилган.

Тўрт йил давомида таълим дастурининг меҳнат сифими 7354 соатни, шундан 4896 соати аудиториядаги ўқув машғулоти юкламаси, 2448 соат мустақил ишларга тақсимланган.

Таълим дастурини ўзлаштиришда, талаба, фаннинг қатор масалалари ёки муаммолари бўйича мустақил билим олиши ҳам кўзда тутилган.

5230700 - БАНК ИШИ таълим йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассис тайёрлаш таълим дастури кундузги ўқиш бўйича 4 йилга мўлжалланган.

Ўқиш жараёнининг асосий шакллари

Талабалар олий таълими тизимида кадам қуйишлари билан ўзлари танлаган соҳалари, мутахассисликлари бўйича фанларнинг босқичма босқич ўзлаштирадilar. Бунда аудиторияларда ўтиладиган маруза (лексия) ва амалий машғулотларда фаоллик кўрсатиш ҳамда мустақил ишлашни тўғри уюштири олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ҳамма ишни жумладан ўқув жараёнини ҳам илмий асосда ташкил этиш мураккаб бир жараён бўлиб, уни амалга ошириш учун фан ва техникадаги сўнги янгиликлар билан мунтазам равишда танишиб бориш, ишлаб чиқариш, маданият, саънат ва уларнинг келажак тараққиёти билан бевосита қизиқиш, ўқув - методик ва техника воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириб бориш, ўқиш жараёнининг тўғри режалаштириш, илмий фаолият ишларни режалаштириб бориш, илмий-педагогик мутахассисларни малакасини ошириб бориш, мутахассислардан унумли фойдаланиш, талабаларнинг иш шароити, дам олиш ва ҳар хил жамот ишларига иштирокини мукамаллаштириб бориш кабиларни ўз ичига олади.

Олий таълим тизимида ўқиш жараёнида таълим беришнинг турли шакли ва услубларидан фойдаланилади. Таълимнинг асосий шакллари маъруза ва семинар, амалий ва лаборатория машғулоти, курс, ва малакавий битирув ишлари ҳисобланади. Бундан ташқари кафедра ва лабораториялар қошида талабалар илмий тугаракларида иштирок этиш йўли билан ҳам чуқур билим олиш имкониятига эга бўладilar.

Маъруза ўқитиш жараёнининг асосий шаклидир. Ўқитиш жараёни шакллари ичида маъруза энг асосийси ҳисобланади. У анча мураккаб ва кўп вақтни талаб қиладиган ишдир. Маърузани ўқишга юқори малакали

ўқитувчи, олимлар ва тажрибали мутахассисларга топширилади, чунки маъруза курсини тайёрлаш олий мактаб ўқитувчиларидан катта маҳоратни талаб этади. Ҳар бир маъруза курсини тайёрлаш, ҳақиқий илмий ишни амалга ошириш билан баробар бўлиб ҳисобланади.

Маъруза вақтида ҳам, ҳар турли амалий машғулотларда ҳам, асосий эътибор талабаларнинг мустақил фикр юритишини ривожлантириш, билим ва малакасини оширишга қаратилган бўлади. Маъруза аудиториясида олиб бориладиган машғулотлар орасида энг кўп қўлланиладиган дарс шакли ҳисобланади. Маърузанинг ғоявий-сиёсий йўналишини белгилашда ўқитувчи – маърузачилар бирикмаси асосий роль уйнайди.

Маъруза услубидан, асосан олий ўқув юртларида фойдаланилади ва у ўқитиш жараёнининг муҳим қисмини ташкил этади. Шунингдек, ундан умумий таълим ўрта мактабларнинг юқори синфларида талабаларга янги ахборот беришда фойдаланилади.

Олий ўқув юртларида ўқитиладиган маърузалар, дарслик, қўланмалар ва бошқа манбадалардаги материалларни қайта баён қилиб боришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича шахсий илмий-педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Ҳақиқий ўқитувчи-маърузачи маърузада вақтинчалик топширик деб қарамасдан, балки мунтазам равишда унга тайёрланиб бориши, маърузаларни қайта ишлаб чиқиши, тўлдириб ва мукамаллаштириб бориши лозим. Бунда ҳар бир ўқитувчининг ўз амалий қарашлари, материалларга шахсий муносабати, илмий умумлаштирмалари бўлиши шарт. Бунинг учун адабиётлар танлаш, улардан уринли фойдалана билиш, матбуотда ёритилаётган янги адабиётларни етарли ҳисобга олиб бориш талаб этилади.

Ҳар бир ўқитувчи маърузага тайёранишда ушбу мавзуга таалукли бўлган кўпгина материалларни камраб олишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳар қандай маърузанинг назарий асослари, сўнгра ҳар бир соҳанинг дарслик ва қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, журнал ва газеталар материаллари, тарихий ёзма манбалар ва бадиий асарлар, радио ва телевидениенинг аниқ материалларидан фойдаланилади. Бу материалларнинг ҳаммаси тартибга солиниб, маълум режа асосида ёзиб борилади.

Талабалар маърузаларни тинглайдилар ва конспектлаштириб борадилар. Ҳар бир талаба маърузани яхши ўзлаштириб олиши учун унинг куйидаги боскичларига риоя қилиши лозим: маърузани тинглашга тайёргарлик куриш, маърузани тинглаш, уни конспектлаштириш ва ёзиб олинган конспектни ўрганиш-қайта ишлаб чиқиш. Талабалар бу даврда кўп

нарсани эгаллайдилар. Улар мустақил фикирлайдиган, муамалаларни тўғри ҳал эта оладиган бўлиб борадилар. Шунинг учун юқори курсларда анъанавий маърузалар билан бир қаторда, маъруза-сухбат, маъруза-мунозара, муамоли маърузалар кабиларни тажриба қилиб куриш фойдадан холи бўлмайди. Чунки талабалар таълим жараёнида кўп нарсаларни ўқийдилар, кўпроқ мустақил ишлаб, дастурдаги ва дастурдан ташқари материалларни ҳам ўзлаштириб оладилар. Шунинг учун ҳам маърузада айрим масалаларни ўрганишни талабаларнинг ўзларига хавола этиш ўринли бўлади. Шундай йўл билан муамоли маъруза юзага келади.

Талаба маърузани тинглаш ва ёзиб боришда маълум куникма ва малакага эга бўлиши керак. Маърузани тинглашда талаба фаол, мустақил фикирлаш фаолиятини бошидан кечиради. Демак, маърузанинг моҳиятини яхши тушуниш учун маърузачининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглаш ва фикирнинг асосий моҳиятига эътибор бериши зарур. Маърузанинг энг аввало режасини ёзиб олиш лозим, лекин маърузачи айтган гапларни ҳаммасини ёзиб бориш шарт эмас. Унинг асосий мазмунини ўз сўзлари билан ёзиб бориш етарлидир. Бунда берилаётган таърифлар, кўчирмалар тўлиқ ва аниқ қилиб ёзиб олиниши шарт. Маърузани ёзиб боришда доимо диққат-этибор талаб этилади, бунда имло, тиниш белгилари ва услубий хатоларга йўл қуйилмаслиги керак. Маърузани ёзиб боришда дафтарнинг бир чеккасида унинг туртдан бир қисми ёки бешдан бир қисми хажмида очик жой қолдирилади. Шу очик жойга маъруза вақтида пайдо бўладиган саволлар ёки айрим мулоҳазаларни ёзиб бориш лозим. Базан маърузани тез ёзиб бориш талаб этилади, бундай ёзиб боришда сўзларни қисқартириб ёзиш ва шартли белгиларни ишлатиш усулини қуллаш ҳам фойдадан холи эмас. Масалан, (нуктаи назар-н.н, шу кабилар-ш.к, билан-б-н., бўлиб-б-б., ва бошқалар-в.б..) Ҳар бир талаба умумий қистқариришлардан ташқари, яна ўзларининг шахсий қисқартмаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Масалан, келишик, эгалик, кўплик қўшимчалари ўрнида тенглик белгиси (=), чизикча (/), дефис (-) каби белгиларни қуллаши мумкин. Конспектни икир-чикир, майда-чуйда мисоллар билан тўлдириб юбориш ярамайди. Маърузадаги хулоса ва натижаларни эса мумкин қадар батафсилроқ ёзиб олишга улгуриш мақсадга мувофиқдир. Ёзиб олинган маъруза текстини иложи бўлса, уша кунлик ёки эртасига, албатта, бир марта ўқиб ва тузатиб чиқиш умум қабул қилинган талаблар жумласига киради. Бундай иш олиб бориш маърузани қайта ишлаш деб юритилади.

Маъруза талабаларни тарбиялашнинг муҳим усуллари билан хисобланади. Аудиторияда ўқитувчи узининг жонли нутқи билан тингловчиларга илмий тафаккур қилишнинг асл моҳиятини очиб беради, талабаларнинг дунёқарабини кенгайтиради, уларни илм-фанга бўлган қизиқишини ва ўқув маданиятини оширади. Маъруза ўқитувчилар билан талабаларнинг алоқасини мустаҳкамлайди. Бу жараён семинар, амалий ва лаборатория машғулотида давом эттирилади. Ишлаб чиқариш амалиётлари, курс ишлари ва малакавий битирув ишларини бажаришда юқоридаги алоқалар янада мустаҳкамланади ва мукамаллашиб боради.

Талабаларга маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказишда олий таълим ҳаётидаги тажриба ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан умумлаштириб борилади.

Бу умумлаштирилмаларнинг айримлари қуйидагича:

1. Маъруза ва амалий машғулотларда ҳозирги замон фан ва техника ютуқларига таяниб иш кўриш.

2. Билим, малака ва имкониятларга қараб, талабаларни ижодий фикирловчи, билимдон мутахассис қилиб тайёрлаш.

3. Ўқитиш ва илмий ишларни бажариш жараёнида бўлажак мутахассисларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан шакиллантириш ва чиниктириб бориш.

4. Мутахассисларни тайёрлашда назарияни амалиёт билан бирга қўшиб олиб бориш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш.

5. Бўлажак етук мутахассисларга жамоатчилик, миллийлик, дустлик, ҳамкорлик, чуқур одамийлик каби туйғуларни тарбиялаб сингдириб бориш.

6. Ўқитиш жараёнинг инфорацион технологиялар талаблари асосида ташкил этиш ва сода тилда тушунтириб бериш.

Семинарлар ўзлаштирилаётган янги материалларни бир қисми талабалар томонидан қандай ўзлаштирилишини текшириб кўриш мақсадида ўтказиладиган дарс шаклидир. Семинар машғулотида маъруза методи орқали берилган маълумотларни умумлаштириш мақсадида барча ижтимоий фанлар учун татбиқ этилади.

Семинар машғулотида, одатда махсус мавзуга бағишланган бўлиб, унинг режаси илгарироқ эълон қилинади ва семинар мавзусига боғлиқ адабиётлар кўрсатилади. Талабалар семинар машғулотида тайёрланиётганларида кўрсатилган адабиётларни олиб ўқийдилар, зарур хронологик материаллардаги қоида-қонунларни атрофлича ишлаб чиқиб, уни бир умумий конспект ҳолига келтирадидилар. Талабаларга семинар учун

тайёргарлик кўрганларида маъруза ёзиш тавсия этилади. Бу маърузада талаба мавзу бўйича ўзининг шахсий мулоҳазаларини ҳам айтиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Талабалар семинар машғулотларда чиқиш қилганларида ўз ёзувларидан фойдаланишлари мумкин. Семинар машғулотларини аниқ саволлар ёрдамида ўтказиш ўрганилаётган фаннинг маълум изчилликда ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқа ўқитиш жараёни шакилларида бўлгани каби семинар машғулотларида ҳам асосий эътиборни белгиланган мавзуларни талабаларнинг тўла ўзлаштиришларини таъминлашга қаратиш билан бирга талабаларни машғулот вақтида тарбиялаб боришга ҳамда алоҳида аҳамият бериш зарур.

Семинар юзасидан савол-жавоблар қилинган, ўқитувчи барча сўзга чиққан талабаларнинг мулоҳазалари ва маърузачининг саволларига берган жавоблари бўйича ўзининг фикрини айтиб, семинарга яқун ясайди. Агар семинар мавзусига доир барча материаллар тўла камраб олинган бўлса, у ҳолда уни маърузачига қайта ишлаш тавсия этилади. Шундан сўнг ўқитувчи навбатдаги семинар мавзусини эълон қилиб, талабаларга ушбу мавзу бўйича ҳам тайёргарлик кўриб келишларини тайинлайди.

Назарий ва амалий машғулотларни ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлашни «Банк иши» мутахассислиги бўйича қуйидаги фанлардан ўқув амалиёти ўташ кўзда тутилган:

1. Банк иши.
2. Банк бухгалтерия ҳисоби.
3. АТ ишлари ва ҳисоблаш усуллари.
4. Иқтисодий таҳлил.

2-босқичнинг охирида «Банк иши» ва АТ ишлари ва ҳисоблаш усуллари фанлари бўйича 5 ҳафталик ўқув амалиёти ўтказилади. Ўқув амалиёти банкларда ва жихозланган компьютер синфларида банк мутахассислари ва фан ўқитувчилари томонидан амалга оширилади.

3-босқичнинг 2 ярим йилидаги «Банк иши» ва «Иқтисодий таҳлил» фанларидан 11 ҳафталик ўқув амалиёти тижорат банклар ва нобанк кредит ташкилотларда ўтказилади.

3-босқичнинг охирида «Банк иши» ва «Банк ҳисоби» фанлари бўйича 13 ҳафта давомида тижорат банкларида ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилади.

4-босқичнинг охириги 2 ҳафтаси давомида малакавий битирув ишлари тайёрланади.

Ўқув жараёни қуйидаги фанлардан давлат имтихонларини топшириш билан якунланади.

Ижтимоий фанлар

Хорижий тил

Мутахассислик фанлардан.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти тарихи ҳақида гапириб беринг
2. Банк ва жамғарма иши кафедраси тарихи.
3. Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институтини бошқариш деганда нимани тушунасиз?
4. Бакалавр таълим йўналиши бўйича қайси фанлар ўтилади?
5. Магистратура таълим йўналиши бўйича қайси фанлар ўтилади?

5- МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ЎҚУВ ИЛМИЙ ТАДҚИКОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш.
2. Курс ишларини ёзишнинг мақсади ва уларни ёзиш тартиби.
3. Битирув малакавий ишни бажаришдан мақсад ва уни ёзиш тартиби.

Асосий тушунчалар: маъруза, семинар, амалий машғулотлар, мустақил ишлар лаборатория ишлари, маслаҳат, илмий тадқиқот, анъанавий таълим, интерфаол усуллар, маъруза, реферат, курс иши, малакавий битирув иш

1. Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш.

Педагогика ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ходиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий-тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. илмий-тадқиқот усуллари канчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади.

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари – маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш талабалар дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари улар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта рол уйнайди.

Мустақил иш фаолиятида билимларни эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага эътибор қаратиш керак:

А) мустақил иш - ўқишнинг, аклий меҳнатнинг алоҳида тури.

Б) ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади.

Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, фаолликка ўргатиш қийин. Анъанавий таълимда тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, баҳолаш тартибига амал қилинади.

Бугунги кунда қуйидагилар анъанавий таълимнинг камчиликлари сифатида эътироф этилмоқда:

- ✓ таълим жараёнида ўқитувчининг кўпроқ фаоллик кўрсатиши, фақат тушунтириш, буйруқ бериш, ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши;
- ✓ таълим жараёнида ўқувчиларга асосан назарий билим (маълумотлар) берилиши;
- ✓ таълимда мажбурийлик, насихатгўйлик, қаттиққўллик, авторитаризм тамойилларига амал қилиш;
- ✓ ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатмаслиги, фақат ўқитувчининг маърузасини тинглаши ва топшириқларни бажариши, уларнинг мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка ўргатилмаслиги;
- ✓ таълимнинг ўртача даражада билим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги.

Бугунги кунда таълим тизимида ўқитишнинг интерфаол усуллари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришни тақозо этади.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ✓ ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тенг ҳамкорлик ўрнатилади;
- ✓ дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ички мотивациясига таянилади: мажбурлаб ўқитилмайди, ўқувчи талабалар табақалаштирилиб ўқитилади;
- ✓ таълим беришда ўқувчи-талабаларнинг ақлий ривожланганлик даражаси, қобилияти эътиборга олинади;
- ✓ ўқувчи-талабалар кўпроқ мустақил таълим оладилар;
- ✓ таълим жараёнининг объекти ўқитувчи эмас, ўқувчи ҳисобланади.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш ўқитувчининг ижодкорлик маҳоратини, қолаверса, масъулиятини янада оширади. Бундан келиб чиқадики, янги педагогик технологиянинг мақсади ўқитиш эмас, балки уларни мустақил ўқишга ўргатишдир. Демак, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришда, муҳим омил ҳисобланади.

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлагунга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими ниҳоятда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш ҳар бир мутахассис учун ниҳоятда зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилишдан мақсад, рақобатбардош мутахассис ва талабга жавоб берадиган, юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис тайёрлашдир. Бу мақсадни амалга оширишда талабаларни ўқув-тарбиявий, илмий фаолияти, мустақил ишлаш вақт бюджети, тадқиқот объекти алоҳида аҳамиятга эга.

Билим олиш, маҳсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунёқарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта рол уйнайди. Демак, талабаларнинг ўз устиларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг асосий ва биринчи тамойили унинг систематик тарзда, яъни доимий, узлуксиз равишда амалга оширишдир. Маълумки, ўқув жараёнини ташкил этишда қатъий кетма-кетлик, узвийликни мунтазам олиб бориш талаб қилинади. Талаба аудиторияда олган билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Бугунги ўтиладиган мавзунини яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобилияти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрганиши зарур. Чунки маърузада талабага йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегишли

барча асосий саволларни муҳокама қилиб бўлмайди. Унинг иложи йўқ, маърузада ўтилган, муҳокама қилинган масалаларни психологларнинг тадқиқоти натижаларига кўра, атиги 5 фоизи талабалар ёдида қолар экан. Ўзи ўқиб ўргангани, ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча баравар кўп ёдида қолар экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришида, таҳлил қилиши, ўз фикрини ифодалашда муҳим рол уйнайди.

Талабанинг мустақил ишдан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

**Талабанинг мустақил иши вазифалари қуйидагилардан
иборат бўлади:**

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, уларнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- берилган топшириқни мунтазам ва меъёрида бажариш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- натижаларни муҳокамага тайёрлаш ва кўрсатилган камчиликларни қайта ишлаш.
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш, мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Мустақил ишни ташкил қилишнинг шакллари, хусусиятлари ва тамойиллари.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув режасида кўзда тутилган. Уни ҳар бир талаба бажариши шарт. Иккинчи қисми ихтиёрий, яъни талабалар ўз хоҳиши билан мустақил бажаришлари мумкин.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусияти уни талабанинг ўзи ташкил қилади. Шунинг учун уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашда талабага ёрдам лозим.

Мустақил ишни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишни ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб, умумий принциплар мавжуд. Мустақил ишни шу принциплар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда оддий элементар принципларни ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараённи тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилишини аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан кўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципининг мунтазамлигидир. Ҳар бир талаба индивидуал тарзда вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Ундан келиб чиқиб, талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қилдилар.

Ўзлаштириш бўйича факултет муваффақиятини ҳам талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режалаштириши, уни бажариши билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча

давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашнинг мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда собит талаба ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишга илҳом билан киришиб кетади. Учинчиси эса, умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

Мустақил ишни ташкил қилишда иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қонидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига, оралиқ назорат якунига яқин қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талабанинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан маъруза, реферат, назорат иши, семинар дарсига тайёрланишга ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, кутилган натижа бермайди.

Реферат ёки маъруза ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиш керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, маъруза нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклигини тушунтириши зарур.

Талабаларга иқтисодий фанлардан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг кўпчилигида фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд. Ана шу рўйхатдан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхонада, ўқув залида бўлса, олиб ўқиш мумкин. Ундан

ташқари республикамизда чоп этилаётган «Бозор, пул, кредит», «Иқтисодий ахборотнома», «Жамият ва бошқарув», « Солиқ тўловчининг журнали», «Касб-хунар таълими» каби қатор журнал, ҳамда «Мулқдор», «Банк ахборотномаси», «Ҳамкор» ва бошқа газеталарни кўрсатиш мумкин.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ҚУЙИДАГИ ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНАДИ:




1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.
2. Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: масала ечиш, машқ бажариш;
3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади. Шароитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.
4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар талабаларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Талаба ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин¹.

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ИНДИВИДУАЛ – ДИДАКТИК МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҲАМ 4 ГУРУҲГА АЖРАТИШ МУМКИН:

1) *Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар.* Бунда ўқувчи-талабалар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар – ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

¹ ААРочинский В.М. “Азбука педагогического труда” М: 1990 стр 33.

-  2) **Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар.** Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.
-  3) **Аввал ўзлаштирилган, қолинга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар.** Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади.
-  4) **Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.**

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унгача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчи, талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс) нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;

- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;

- ҳисоб, график ишларини бажариш;

- назарий билимларини амалиётда қўллаш;

- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;

- макет, модел ва намуналар яратиш;

- илмий мақола, анжуманга маърузалар, маъруза тезисларини тайёрлаш;

- ижтимоий, иқтисодий сиёсий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий, амалий конференция, семинар машғулотлар ва давра суҳбатларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш;

- турли жамғармалар томонидан ташкил қилинган танловларда иштирок этиш;

- ўрганилаётган фан бўйича мавжуд асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Мустақил ишлар таркибида талабалардан алоҳида диққат эътибор билан ишлашни талаб қиладиган мустақил иш ўрганилаётган фандан курс иши ҳамда битирув малакавий иши ёзиш ҳам бор.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ишни ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мустақил бажариладиган ишлардан бири иқтисодий масалаларга бағишланган илмий адабиётларни ёки ўқув адабиётларини конспект қилишдир. Конспект қилиш - талабани фанни ўзлаштириши учун катта ёрдам беради. Лекин талабалар конспект қилишни тўғридан – тўғри кўчириш деб тушунмасликлари керак.

Берилган топшириқни бажариш ўқишдан бошланади. Ўқиш бу ҳали ўзлаштириш эмас. Ўқиш, ўқилган матнни англаш керак. Тушуниш, ўзлаштириш учун кўшимча равишда ақлни ишлатиш талаб қилинади. Ўзлаштириш бу ёдда сақлаш дегани эмас, албатта у ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ўқиш бу ўқиш эмас. Тушуниш бошқа, тушунгани ўзлаштирилгани ёдда сақлаш эса яна бошқа нарса. Ҳаммаси ҳам ақлни ишлатишни талаб қилади. Ўқишга минимум вақт ва куч сарфлаб, ҳаракат қилиб, асосий диққатни тушунишга, тушунганини ёзишга, ёдда сақлашга

ҳаракат қилиш керак. Сарфланадиган вақт, уни ўқишга қанча ва тушуниш учун ўйлашга қанча сарфланиши мавзуга, унинг мураккаблик даражасига боғлиқ.

Талабаларни иқтисодий фанларни ўрганишларида иқтисодий муаммоларга бағишланган энг яхши адабиётлар билан таништириш, етакчи олимлар билан учрашувлар ташкил этиш муҳим рол уйнайди. Ундан ташқари, илмий тўғарак ишини мунтазам ташкил этиш, талабаларнинг ижодий кунлари, илмий давралари, анжуманлари, конкурслари олимпиада ва кўргазмаларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш шубҳасиз талабалар фаоллигини оширади. Уларни фанни ўрганишга рағбатлантиради.

Талабаларни мустақил равишда ижодий изланишга ўргатишда кафедра томонидан ташкил этилган илмий тўғараклар катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда кафедра ўрганилаётган фан бўйича талабаларнинг қизиқиши, фандаги янгиликлар ўрганилиши, тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларни илмий тўғаракларда муҳокама қилинишини кўзда тутиши керак. Талабалар тўғаракда тайёрлаган илмий маърузаларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этар эканлар, тўғарак аъзолари ҳам уни муҳокамасида фаол иштирок этишларини таъминлаш зарур. Тўғарак аъзоларини сони, муҳокама қилинадиган масалалар, илмий маърузалар миқдори, мавзуларнинг мазмуни ва бошқаларга кўра тўғарак раҳбари ой давомида илмий тўғараклар мажлиси ўтадиган кунларни белгилайди. Энг яхши баҳо берилган илмий маърузалар талабаларнинг илмий конференцияларида қатнашишга тавсия этилади.

Ўтказиладиган конференцияни умумий мавзусини тасдиқлагач, маърузаларни мавзу йўналишига кўра гуруҳларга ажратган маъқул.

Ўтказиладиган талабаларнинг илмий конференциясида энг яхши деб топилган маърузалар рағбатлантирилади, кейинги босқичларда қатнашишга тавсия этилади

Талабалар вақтини тақсимлаш

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариши бўш вақтни режалаштириш билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириш муҳим рол уйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда кишининг мияси толиқади. Унинг психологиясига таъсир кўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчаш жисмоний чарчашга қараганда кўпроқ соғлиқка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чарчаганда дам олиш керак. Ҳамма учун дам олиш тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўз-ўзидан маълум. Ҳар бир талабанинг ўзи дам олиш ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида

тутиш кераки: аудиторияда дарс жадвали бўйича 6 соат ўқигач, маълум вақт мия дам олиши шарт. Психология бўйича мутахассис - олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шуғулланиши, дам олиши, айниқса очик ҳавода сайр қилиши тавсия этилади. Дарс тайёрлаганда мустақил равишда адабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 10-15 минут дам олиши маслаҳат берилади. Энг яхши дам олиш шакллари - бу ҳаракатга асосланган сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажаришдир. Ҳатто радио эшитаётган чоғда ҳам тик туриб ҳаракат қилиш, чуқур нафас олиш, дам олиш пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида ўйламаслик керак.

Кўзлаган ишни бажаргандан кейинги дам олиш, ишни бажармай дам олишга қараганда кўнгиллироқ бўлади. Буни ёддан чиқармаслик керак. Чунки одам бажарилиши зарур бўлган ишнинг ташвиш юкидан халос бўлади!

Талабанинг соғлом бўлиши, тўғри камол топиши, кўп жиҳатдан қатъий кун тартибига амал қилиши, гигиена маданиятига боғлиқ, қатъий кун тартибига амал қилиш инсонни ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги (вақтида овқатланмаслик, етарлича ухламаслик, дам олмаслик ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) – буларнинг ҳаммаси аъзои баданни бўшаштиради, тананинг бутун ҳужайраларини, хусусан, бош мия ҳужайраларини ишлашини ёмонлаштиради.

Кун тартибини режалаштиришда уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, аудиторияда ўқиш вақти, кунига 3-4 марта овқатланиш, очик ҳавода бўлиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмашинишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир қолипда бўлмаслиги керак. Талаба кундалик фаолиятини режалаштирар экан, албатта мустақил ишлашни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Талабалар мустақил ишларининг самарадорлиги **вақт бюджетидан оқилона фойдаланишига** боғлиқ. Бунда талабалар вақтдан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиши, улардан келиб чиқиб, вақтини тақсимлаши зарур.

Талаба - ёшларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун замонавий кутубхона, ўқув заллари, компьютер марказлари, халқаро илмий ахборот марказлари бўлиши катта аҳамиятга эга.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби

тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2005 йил 21 – февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низомга асосан ишлаб чиқилган ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Олий ўқув юртларида кенг қўлланиладиган мустақил ишларнинг яна бир тури **маърузадир**. Маърузага: 1) мажлис аҳли учун мўлжалланган муайян мавзудаги ахборот, маъруза; 2) талабаларнинг мустақил иш тури; 3) илмий иш тури сифатида қараш мумкин.

Талабалар маърузани мустақил иш тури сифатида семинар дарсларига тайёрлаб келишлари мумкин. Маърузани адабиётларни ўрганиб, танланган мавзуга чуқур ёндашиб, ўз кузатишларини ҳам ишлата билган ҳолда тайёрлашлари керак бўлади.

Маъруза тайёрлаш жараёнида талаба адабиётлар билан ишлаш, турли манбалардан олган материалларини умумлаштириш, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашга ўрганади.

Реферат, маъруза ёзиш учун талаба, аввало, фанни назарий жиҳатдан пухта ўзлаштириши керак. Танлаб олинган мавзунини ёритиш учун: Режа тузилади, унда **Кириш, 3-4** тагача савол қўйилади ва **хулоса** берилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати тузилади. Далиллар, статистик маълумотлар тўпланади. Таҳлил қилинаётган масала бўйича мавжуд фикрлар, қарашлар баён қилинади. Талаба уларга ўз нуқтаи назарини билдиради.

Илмий маъруза ҳақида тўхталадиган бўлсак, кўп жиҳатдан курс ишига қўйилган талаблар билан бир хил ва шу тартибда ёзилади. Фақат илмий маъруза танланган мавзунини курс ишига қараганда ҳам чуқурроқ ўрганиш, далиллар, статистик маълумотлар тўплаш, улар асосида зарур иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни таҳлил қилиш хулоса чиқариш ҳамда ўз таклифларини баён қилиш билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, когнитив - яъни билишнинг энг юқори – эсда сақлаш, эътиборли бўлиш, сезиш, маълумотни етказиш, фикирлаш ҳамда баҳолаш даражасида фикр

юритилади.

Илмий маъруза ёзиш қаттиқ мантиқий изчилликни, сабр-тоқат, тиришқоқликни талаб қилади.

Талабаларнинг иқтисодий фанлардан мустақил ишини муҳим таркибий қисми сифатида **реферат** ёзиш борган сари кенг тадбиқ этилмоқда. Рефератни талабаларнинг илмий иш ёзиши, тадқиқот ўтказишини дастлабки шакли сифатида кўриш мумкин.

Реферат (лотинча реферио-ахборот беряпман) — бирор илмий асар, ўқилган китоб, мақола кабилар мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни, ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақидаги ахборот, тегишли адабиёт ва бошқа манбалар обзорини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъруза.

Реферат одатда, илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу билан биргаликда, тегишли илмий назариялар, хулосалар ёритилиши ва танқид қилиниши мумкин. Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларида илмий маърузалар сифатидаги рефератлар кенг тарқалган. Одатда талабаларнинг семинар машғулотларига тайёрлаб келадиган махсус ахборотлари ҳам реферат дейилади.

Реферат ёзиш билан талаба илмий адабиётлар билан ишлашни, статистик маълумотлар ва бошқа материалларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, яъни ҳисоб китоб қилиш, таҳлил қилиш, ўрганилаётган ҳодисаларга танқидий кўз билан қарашни, баҳолашни, назарияни амалиёт билан боғлашни ўрганади.

Реферат мустақил ёзилиб, уни ёзиш қоидаларига амал қилинса, дарслик бўйича саволга тайёрланиб келиб, семинар дарсларда сўзга чиқишга қараганда катта фойда беради. Талаба рефератда билдирган ўз фикрини аудитория олдида ҳимоя қила олиши керак.

Реферат ёзиш формал бўлса кутилган натижани бермайди. Шунинг учун ўқитувчининг раҳбарлиги катта рол уйнайди. Рефератларга қай даражада талаб қўйилади, шунга кўра уни муваффақиятли қўллаш мумкин ёки аксинча.

Шундай қилиб, реферат, курс иши, илмий маъруза, бир томондан, илмий ишларнинг якуни сифатида, ўз устида ишлашлари, изланишларига якун ясаса, иккинчи томондан, уларни янада янги ишларга рағбатлантиради, дунёқарашини ривожланиши, ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтиришга, янада чуқурроқ билим олиш, ўз устида ишлашга, иқтисодий фикрлаш, илмий изланишга, фикрини мантиқий изчилликда ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда баён қилишга ўргатади.

2. Курс ишларини ёзишдан мақсад ва уни ёзиш тартиби

Фанни мустақил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўқув шаклларида бири **курс ишидир**.

Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш жараёнида талабалар иқтисодий фанларни янада чуқурроқ ўрганишади. Иқтисодий категориялар ва қонунлар моҳиятини тушуниш мураккаб назарий муаммоларни таҳлил этиш, уни амалиётда татбиқ қилиш ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Курс ишининг фанни мустақил ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар адабиётлар билан ишлашни, маълумотлар тўплаш, уларни жадвал, диаграммаларда тасвирлаш, хулоса чиқариш ҳамда ўтилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўрганишади. Ана шу жараёнда талабалар ўзлари индуктив ва дедуктив услубларни қўллаб, алоҳида ҳодиса ва воқеалар асосида умумий хулоса чиқаришни ўрганадилар.

Банк иши Мутахассисликлари ўқув режасига биноан талабаларда Иқтисодиёт назарияси, Пул ва банклар, Банк иши ва Банкларда бухгалтерия ҳисоби фанларидан курс ишларини бажарадилар. Курс иши фанлар бўйича кафедра томонидан ишлаб чиқилган намунавий мавзулардан талаба томонидан танланади. Унинг ҳажми 25-30 бетга (стандарт ёзув қоғози бўйича) мўлжалланади. Бу мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўз қобилиятини, фанни ўзлаштиришдаги ҳаракатини, интилишини ифодалаш имконини беради.

Курс ишига кафедрадан илмий раҳбар тайинланади. У талабаларга курс ишини тайёрлашда зарур маслаҳатларни беради:

-курс иши мавзуси фақат дарслик доирасида эмас, балки қўшимча адабиётлар, шу мавзу бўйича журнал, газеталардаги мақолалардан фойдаланиб ёзилади;

-курс ишида илмий изланиш элементлари, назарий қоидалар, тажрибалар билан ёритилади;

-иш бўйича режа тузилади, режа таркиби: кириш, асосий қисм (ёритиш керак бўлган масалалар), хулосадан иборат бўлади.

-курс иши расмий қабул қилинган шаклда бўлиши керак, яъни бирон бир муаллифнинг фикри келтирилса, жумлалар ўзгартирилмай, қандай бўлса шундай кўчирилади ва қўштирноқ ичига олинади, изоҳ берилади. У саҳифанинг энг тагига номерланган ҳолда берилиб, манба кўрсатилади. Унда ҳавола қилинган муаллиф, асар ёки мақоланинг, нашриётнинг номлари, нашр қилинган йили берилади.

-матн мустақил ёзилади. Талаба курс иши ёзишда ўрганаётган

адабиётлардан тўғридан-тўғри кўчирмай, аввал ўқиб чиқиб, тушуниб, бошқалари билан таққослаб, сўнгра ўзининг фикрини баён қилмоғи лозим.

Курс ишига қўйилган бош талаб - фанни чуқур ўрганишга эришиш, илмий изланишга ҳавас уйғотиш.

Курс ишида талабаларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, дастлабки илмий изланиш куртакларини ҳосил бўлишида курс иши раҳбари муҳим рол уйнайди. Курс иши раҳбари асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш, улар ичидан энг муҳимларини ажратиш, режа тузиш ва танланган мавзуни тўла очиб бериш учун нималарга диққат қаратиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Курс ишининг хомаки нусхасини ёзаётганда талаба тушунмаган савол ёки маслаҳат учун раҳбарга мурожаат қилади. Мавзу бўйича айрим адабиётларни тўлиқ ўқиб чиқиш, зарур бўлса, айримларини мавзу бўйича у ёки бу боби ёки саҳифаларини ўқишга, ўрганишга тўғри келади.

Курс ишида қўйилган саволлар ўрганилаётган мавзунинг мазмунини очиб бериши зарур. Саволлар қўп бўлмаслиги, мавзунинг мазмунини очиб бериши лозим. Режада қайси адабиётлар билан ишлаш кўрсатилади.

Масалан, «Пул айланиши ва унинг шакллари» мавзуси бўйича режа куйидагича бўлиши мумкин:

Мавзу: Пул айланиши ва унинг шакллари

Кириш

1. Пул айланиши тушунчаси

2. Пул айланишининг асосий шакллари

3. Нақд пул айланиши

4. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жорий этиш афзалликлари

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг аҳамияти, фанни ўрганишда туган ўрни, кўрилаётган масаланинг долзарблиги, амалиётдаги аҳамияти кўрсатилади.

«Кириш» қисмида танланган мавзу бўйича нима мақсад қўйилганини қисқача баён қилиши керак бўлади. Курс ишининг асосий қисмида режага биноан мавзунинг тушунчаси ва ўрганилганлик даражаси, амалий ҳолати, ривожлантиришнинг аҳамиятли жихатлари (тижорат банк маълумотлари)

асосида таҳлил этилади. «Хулоса» қисмида мавзу бўйича чиқарилаётган асосий хулосаларни аниқ ифодалаш керак. Улар қисқа, ишнинг мавзудан келиб чиқиши лозим.

Курс ишида кўтарилган масалалар бўйича, матндан келиб чиқиб, билдирилган асосий хулосалар ишнинг қадр қимматини оширади. Талабанинг мавзуни чуқур ўзлаштирганидан, яхши билимга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс иши ёзишда талаба томонидан ўрганилган барча адабиётлар, журнал, газетада берилган мақолалар, монография, статистик тўплам ва бошқалар тўла равишда муаллифнинг исми-шарифи, асар ёки мақола ва бошқаларнинг номи, нашриёт номи, нашр қилинган йили кўрсатилган бўлиши керак.

Курс иши ёзганда қабул қилинган Қонунлар, меъёрий ҳужжатлардан, Президентимиз асарларидан фойдаланишга аҳамият бериш керак.

Талабадан курс ишида фанда янгилик ёки янги илмий қоида яратиш талаб этилмайди. Талаба саволларни ёритиш жараёнида илмий адабиётлардан тушуниб фойдаланганини, тўғри умумлаштириб, хулоса чиқара билишини, назарий қоидаларни тажриба, амалиёт билан боғлай олишини кўрсатиши керак.

Ана шу жараёнда талабанинг ишида илмий изланиш элементлари, курс ишини ёзишда мустақил иқтисодий фикрлай олиши намоён бўлади.

Ишда йўл қўйилган хато камчиликларни фарқлаш керак. Хато бу - иқтисодий категорияларни ва қонунларни нотўғри тушуниш ёки яхши тушунмаслик сабабли келиб чиқади. Камчиликлар талабанинг иқтисодий категория ҳақида тушунчаси бор, лекин тўла эмаслиги, кўпинча муҳим назарий қоидаларни аҳамиятини етарлича тушунмаслиги туфайли келиб чиқади. Шунинг учун ҳам талабага ўқитувчининг маслаҳати катта ёрдам беради.

3.Битирув малакавий ишини бажаришдан мақсад ва уни ёзиш тартиби

Бакалаврият йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқув жараёни битирув малакавий иши ёзиш билан якунланади.

Барча таълим йўналишдаги битирувчи курс талабалари якуний босқич жараёнида битирув малакавий иши ёзиб, «Битирув малакавий ишлари (БМИ) ҳимояси бўйича Якуний Давлат Аттестация (Я.Д.А.) комиссиялари»да ҳимоя қиладилар.

Битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар»га риоя қилиниши талаб қилинади.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш талабаларда ўрганаётган муаммога иқтисодий ёндашиш, илмий-методик адабиётларни чуқур ўрганиш, ҳар тарафлама таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш ўз фикрини аниқ, асосли мантиқий изчилликда баён қилиш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўрганишга йўналтирилган бўлади.

«Банк иши» бакалавриат таълим йўналиши талабалари мутахассислик фанлари асосида битирув малакавий ишлари ёзадилар.

Битирув малакавий иш тадқиқот элементлари билан амалий масала муаммоларни ечиш, билим ва кўникмаларини кенгайтиришга ҳамда ўқув юртини битиргач, банк соҳасида ишлашга тайёргарликлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишларда қуйидаги **вазифалар** бажарилади:

- Мутахассислик фаолиятнинг долзарб масалалари мустақил тадқиқ этилади;

- ўрганилаётган масала, ҳодисалардаги янги ғоялар аниқланади;

- назарий билимлар мустаҳкамланади ва ривожлантирилади;

- мураккаб масала, саволларни тадқиқот элементларини қўллаб, ечимини топишга ўрганилади;

- Мутахассислик фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали фаолият юритиш методлари аниқланади;

- ўрганилаётган мавзу бўйича назарий ва амалий жараённи ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Банк иши таълими йўналишидаги талабаларга битирув малакавий ишларини бажариш анчагина мураккаб, қийин жараён. Чунки улар ўтиладиган фанлар бўйича мавзуни чуқур билишлари, ҳар қандай саволга ҳозиржавоб бўлишлари, фандаги янгиликлар, унга эътибор бериладиган ва ҳали ўрганилиши, тадқиқ этилиши зарур бўлган масалалардан хабардор бўлишлари, тижорат банкларнинг маълумотларини тўплашлари зарур. Ҳамда ана шу билимларни ўрганиш, қандай йўл билан, қайси методлар ёрдамида амалиётда қўллаш, уларнинг барчасини битирув малакавий ишда акс эттиришлари лозим.

Битирув малакавий ишда талабанинг фанни назарий жиҳатдан қай даражада ўзлаштиргани, назарий умумлаштириши, амалий хулосалар чиқариши, зарур ахборотни қидириш, танлаш, уларни қайта ишлаш ва маълум тартибга солиш, матнда ифодалашни уйдасидан қай даражада чиққани акс этади.

Битирув малакавий ишга қўйиладиган асосий талаб - тадқиқот материали мазмунининг илмий жиҳатдан юқори даражада асосланганлиги, ишончилиги, объективлилигини таъминлашдир.

Битирув малакавий ишга тайёргарлик тартиби

Талабаларга кафедра томонидан тасдиқланган битирув малакавий ишлар рўйхатида кўрсатилган мавзуларни эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Баъзида талаба ўзининг вариантыни ҳам таклиф қилиши мумкин. Лекин у тасдиқловчи материалларга асосланган ва долзарб масала бўлиши керак.

Битирувчи талабалар иш мавзусини танлашларида кафедра томонидан маслаҳат уюштирилади.

Битирув малакавий ишларни танлашда талабалар бажарган курс ишлари, илмий маъруза мавзуларига яқин ёки улардан келиб чиққан ҳолда ёки келажакда ишламоқчи бўлган битирув олди амалиётини ўтадиган ўқув юртининг таклифи билан мавзу танлашлари, бошқача айтганда, бошлаган илмий ишларини давом эттиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавзулар ўқув режаси ва келгусида олиб бориладиган амалий фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Битирув малакавий ишни ёзиш учун танланган фаннинг асосий мазмунидан ва уни ўрганишдан қўйилган мақсадга мос бўлиши кўзда тутилади.

Танланган мавзуни расмийлаштириш учун талаба кафедра мудирини номига ариза ёзиши керак. Талабаларга раҳбар ва мавзуларни бириктириш II курсдан бошлаб тижорат банкларида малакавий амалиёт ўтказишини, шунингдек уларнинг машғулотларини ҳам бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ҳатто битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича чоралар кўрилади. Битирув малакавий ишлар мавзуларини илмий раҳбарларга бириктириш институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

ТАЛАБА МАВЗУНИ ОЛГАЧ:

1. Раҳбар билан муҳокама қилиб, уни қай даражада ўрганилгани, қандай тажрибалар мавжуд, зарур манбалар борми-йўқми аниқланиши, йўналтирувчи материаллар йиғилиши керак.

↓

2. Ўрганилаётган мавзу бўйича адабиётлар танлаш, уларни таҳлил қилиш, зарур далиллар, статистик маълумотлар тўплаш улар билан танишиш, саралаш зарур.

↓

4. Ишнинг дастлабки кенгайтирилган режасини тузиб, уни раҳбарга кўрсатиши зарур. Раҳбар билан муҳокама қилиб, келишган ҳолда режани камчиликлари тузатилади.

↓

3. Битирув малакавий ишнинг мақсади, вазифалари ва концепциясини ишлаб чиқиб, уни раҳбар билан муҳокама қилиш.

↓

5. Тўпланган материаллар умумлаштирилади, дастлабки матн тайёрланади.

↓

6. Раҳбарга ишнинг мазмуни таништирилади, сўнгра у кўрсатган камчиликлар устида ишланади.

↓

7. Камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган иш қайта раҳбарга кўрсатилади ва унинг розилиги билан оққа кўчирилади.

↓

8. Битирув малакавий ишининг матнини қўйилган талаблар бўйича ёзиб, ҳимояга тахт қилинади.

↓

9. Раҳбарнинг хулосаси ва ташқи тақриз олинади.

↓

10. Иш кафедра томондан тузилган комиссияда дастлабки ҳимоя қилинади.

↓

11. БМИ якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилинади.

та
акс эттириши лозим. Битирув малакавий ишининг режаси мавзуни, унинг асосий саволлари яхлитлигини таъминлаши керак. Ишнинг таркиби кириш, икки ёки уч боб, параграфлар, хулоса (хулоса ва таклифлар), фойдаланилган

адабиётлар рўйхати, иловадан иборат бўлиб, асосий бўлим (боб)лар номи мавзунинг номини такрорламаслиги шарт.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар:

- 1.Ўқиш қандай асосий шакилларда ўтказилади?
- 2.Анъанавий таълимнинг камчиликларини эътироф этинг.
- 3.Ўқитишнинг интерфаол усулларининг афзалликлари нимада?
- 4.Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг афзалликлари
- 5.Мустақил ўқишнинг барча мутахассислар учун ниҳоятда зарур лиги.
- 6.Талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилишнинг турли шакллари
- 7.Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принциплари
8. Мустақил ишлашнинг гуруҳлари
9. Конспект қилишнинг - талабани фанни ўзлаштириши учун катта ёрдами нимада?
10. Олий ўқув юртларида кенг қўлланиладиган мустақил ишларнинг тури Маърузанинг аҳамияти
11. Фанни назарий жиҳатдан пухта ўзлаштиришда Реферат ишинг аҳамиятли жиҳатлари.
12. Талабаларнинг илмий конференцияларда иштирокини аҳамиятли жиҳатлари
- 13.Талабаларнинг дарсдан кейинги вақтни ўтказишни режалаштириш муҳим жиҳатлари.
14. Кун тартибини режалаштиришнинг зарурияти.
15. Курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш жараёнида фанларни янада чуқурроқ ўрганиш.
16. Курс ишига қўйилган бош талаб
17. Битирув малакавий ишни тайёрлаш талабаларда ўрганаётган муаммога йўналтирилганлик.
18. Битирув малакавий ишларни бажаришга қўйиладиган **вазифалар**
19. Битирув малакавий ишлар расмийлаштириш тартиби
20. Битирув малакавий ишларни якуний давлат аттестация комиссиясида ҳимояга қўйиш.

6-МАВЗУ. ПУЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МОҲИЯТИ

Режа:

1. Пулнинг келиб чиқиши ва моҳияти. Жамият тараққиётида товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурати.

2. Пулнинг пайдо бўлиши ва унинг қиймат шакллари ривожланиши билан боғлиқлиги.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул-товар муносабатларининг ўрни ва ривожланиши.

Асосий тушунчалар: Пул, товар, бартер, бевосита айрибошлаш, натурал хўжалик юритиш, товарнинг қиймати, махсус товар, умумий эквивалент.

1. Пулнинг келиб чиқиши ва моҳияти. Жамият тараққиётида товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурати.

Ҳозирда жамиятни пулсиз тасаввур этиб бўлмайди. Пул илмий мулоқотларнинг предмети, оддий оиланинг орзуси, бизнесменнинг бош оғриқи, мафиянинг йўлчи юлдузи. Пул жамиятни камбағал ва бойларга ажратади, бахт ва кулфат олиб келади, амалга кўтаради ва жаханнамга етаклайди. Бернард Шоу ўзининг вақтида “Камбағалликнинг асосий илдизи пулнинг камчилигига бориб тақалади” деб ўтган эди. Унда нима учун давлатда “ҳаддин кўп пул” булса барча иқтисодчилар ваҳимага ва одамлар норозичиликка тушадилар?

Пул ўзи нима? Унинг жамиятдаги ўрни қандай? Пул ёрдамида давлатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкинми? Шу ва шу каби саволлар илм дунёсида жўда қизгин музокараларга олиб келлади. Бундай саволларга жавоб бериш учун пулнинг келиб чиқиш тарихига бир назар солсак.

Сиз ҳаётни пулсиз тасаввур эта оласизми?

Бир кўз олдингизга келтириб кўрингчи! Сиз китоб сотиб олмоқчисиз, дўкондор эса сиздан пул ўрнига бир боғ ўтин сўрайди. Нон олиш учун буғдой, сут олиш учун хашак олиб бориш керак. Агар автобусга чиқсангиз йўл кира ўрнига ёқилғи, пояфзал дўконида эса тери талаб қилишса! Кулгилими? Тўғриси айтганда, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири бўлган пул қачон, қаерда ва қандай қилиб пайдо бўлган?

Пул жуда қадим замонларда пайдо бўлган ва унинг келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1-сабаб.

Қадимги қабилаларда вақти-вақти билан ўз эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлган ва уларни бошқа маҳсулотларга алмаштириш имконияти туғилган. Масалан, дарё бўйида яшовчи кишиларнинг ови бароридан келиб, жуда кўп балиқ овланган. Улар ортиқча балиқни қўшни жамоага дон, туз ёки бошқа маҳсулотларга алмаштирганлар.

Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний узининг «Жавохирлар» китобида жавохирлар билан боғлиқ булган воқеаларни ҳам келтириб ўтади. У натурал алмашув тўғрисида бундай бир воқеани хикоя қилади. Кунлардан бир кун нотаниш оролга келиб қолган саёх у ерлик одамнинг қулида узи учун керакли нарсани куриб, бир олтин динор беради. Махаллий одам динорни олиб айлантриб кўради, сунгра хидлайди ва таъмини билмоқчи бўлади. Динорда ҳеч қандай фойдали белгиларни ва таъмини сезмайди, уни эгасига қайтариб беради: «Сен берган нарсанинг мен учун ҳеч қандай фойдаси йўқ экан» - дейди. Анна шу хикоя орқали Абу Райхон Беруний қадимий даврларда одамлар ўз маҳсулотларини фақат ўзи учун зарур ва эҳтиёжли бўлган буюмлар билан айрибошлаганини кўрсатади.

Ёки бошқа бир мисол, ўрмонда яшовчи ва овчилик билан шуғулланувчи жамоа ўзидаги ортиқча ҳайвонларни ёки гўшти бошқа жамоаларга кийим-кечак ёки балиққа алмаштирганлар.

Дастлабки даврларда маҳсулотлар бир - бирига бевосита алмаштирилган ва тасодифий ҳолларда рўй берган. Шундай қилиб, кишиларнинг ўз эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотларни ўзаро айирбошлалари пулнинг вужудга келишига дастлабки туртки, яъни сабаб бўлган.

2- сабаб.

Аста - секинлик билан жамиятда кишиларнинг бир қисми чорвачилик, бошқалари эса дехқончилик, сўнгра ҳунармандчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Масалан, кулол ўз маҳсулотлари – коса, лаган, кўза, хум қабиларни бозорга олиб бориб, буғдойга амлаштиришган, кимга қандай идиш керак бўлса (косами, хумми) ўшани буғдойга тўлдириб тўкан, дон кулолники, идиш эса дехқонники бўлган. Ёки тарозини бир палласига гуруч иккинчи палласига эса буғдой солиб алмаштирган. Улар энди фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки ўз маҳсулотларини айирбошлалаш, яъни сотиш учун ҳам етиштира бошлаганлар. Бошқача қилиб

айтганда, улар «**натурал хўжалик**» юритишдан товар ишлаб чиқаришга ўта бошлаганлар.

Инсон, ёлғизликда яшаса ва ишлаб юрса пулга эҳтиёж сезмайди. Кимсасиз оролда чўкаётган кемадан нарсаларини ва айниқса пулларни кутқариб қолган Робинзон Крузо кўпам шодланмаган эди. Ва ҳақиқатдан ҳам товар айрибошланмас пулга эҳтиёж сезилмайди.

Доимий айрибошлаш учун уч хил шароит бўлиши шарт:

- меҳнат тақсимоти;
- хусусий мулк ва таққослама баҳо;
- имконият ва ўзаро ўлчов бирлиги.

Агар кишилар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган барча маҳсулотларни ўзлари етиштирсалар, яъни ҳеч нарса сотиб олмасалар ва сотмасалар, бундай хўжалик юритиш **натурал хўжалик юритиш** дейилади. Ва нихоят, инсонлар ўзларининг меҳнат маҳсуллариини товарни товарга ўзаро айрибошлайдилар яний **бартер**ни содир этадилар.

Бартер - бу товарларни товарларга пул воситасисиз айрибошлашни амалга оширилишидир (**Т-Т**).

Бироқ аҳолининг ўсиб бориши, иқтисосликнинг тобора чуқурлашиши бартер айрибошлаш маконининг кегайиши жўда кўп вақт ва меҳнат харажатини келтириб чиқаради. Бундай шароитда самарасиз бўлган бартер пулни пайдо қилади.

Сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот **товар** дейилади.


Товар кишиларнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондиради. Ҳар қандай товар меҳнат сарфи натижасида яратилади. Товарга сарфланган меҳнат **товарнинг қиймати** дейилади. Товарни яратишда қанчалик кўп меҳнат сарфланса, унинг қиймати шунча юқори ва аксинча, товарга қанчалик кам меҳнат сарфланса, унинг қиймати шунча паст бўлади.


Шундай қилиб, пулнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлиб, **товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш** ҳисобланади.

2. Пулнинг пайдо бўлиши ва унинг қиймат шакллари ривожланиши билан боғлиқлиги.


Товарлар қиймати уларни ўзаро таққослаш, ўлчаш ва алмаштириш имкониятини беради.

Дастлаб, ҳар бир товар бошқа бир товарга бевосита алмаштирилган, масалан:






Кейинроқ кишилар ўзлари учун муҳим бўлган нарсаларни ўзаро келишилган ҳолда, бир товар бир неча товарларга алмаштириладиган бўлган, яъни:




Аста - секинлик билан товарлар орасидан барча товарларга айирбошлана оладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган махсус товар ажралиб чиққан. Бу товар ҳар бир мамлакат ёки ҳудудда истеъмол учун энг зарур товар бўлган ва барча маҳсулотлар учун **умумий эквивалентга** айланган, яъни:



Умумий эквивалент вазифасини турли мамлакатларда турли товарлар - қорамол, туз, дон, мўйна ва бошқалар бажарганлар. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши ҳудудлар ҳамда мамлакатлар ўртасида савдо-сотик ва товар айирбошлаш заруратини юзага келтирган.

Турли мамлакатларда турли товарлар умумий эквивалент. Натижада бутун товарлар дунёсидан шундай товар ажралиб чиққанки, у барча худуд ва мамлакатларда умумий эквивалент сифатида қўлланила бошлаган. Бу вазифани қимматбаҳо металлар, аввал **мис** ва **кумуш**, кейинчалик эса **олтин** бажарадиган бўлган:



Охир – оқибатда оддий товар кўринишдаги умумий эквивалент ўрнига пул шаклидаги эквивалент майдонга келди. Бундай олтин (динор), кумуш (дрхам), мисс (фулус) оддий товар эмас, балки узига хос махсус товар булиб, унда айрибошланишнинг натура шакли билан эквивалент шакли бирлашиб кетган.

Ана шундай қилиб, **пул товар ишлаб чиқариш ва айрибошланишнинг узок вақт ривожланиши натижасида вужудга келган.**

Пул ўзи нима?

Унинг жамиятдаги роли нимада? Мамлакат иқтисодий ривожига пул ёрдамида таъсир ўтказиш мумкинми? Шу ва шунга ўхшаш саволлар билан дунё илми кучли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Пул - бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради ва барча товарларни сотиб олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Пул ҳар қандай буюмга айланиш сеҳрига қодир.

Пул – бу куплаб бадий асарларнинг, халқ ижодиётининг мавзуидир. Археология, этнография, тарих, фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик ва иқтисодиёт каби бир қатор фанлар пул билан шуғулланади.

Асримиз бошларида ҳисоблаб кўришса, пул ҳақида 6000 дан зиёд махсус илмий китоблар ёзилган экан. Шундан буён бу миқдор неча-неча марта ошган.

Пул ҳақида ҳар хил фикр юритилади. Синфий жамият мутафакирлари пулни ёвуз нарса, халқ бошига фалокат, одамлар орасига нифок солувчи кабохат деб билганлар.

«Олтин ва саховат, - деган эди грек файласуфи Платон, (эрамиздан олдинги 428-348 йилларда) - тарозунинг икки палласига ўхшайди, булардан бири кутарилмай туриб иккинчиси пастга тушмайди». Инсонда олтин қанча кўпайса, саховат шунча камаяди.

Бирок, хатто синфларга бўлинган жамиятда ҳам пул фақат ёвузлик келтирибгина қолмайди. у одамларга бебаҳо хизмат ҳам қилади.

Пулни истемолга киритилиши инсоният тараққиёти учун буг машинасини, темир йўл ёки телефонни кашф этишдан кам аҳамиятга эга эмас. Пул кўп меҳнат ва вақтни тежайди. Ҳеч қандай машина бунчалик кўп ишни бажара олмайди ва инсон кучини бунчалик тежай олмайди.

Пул халқлар ўртасида меҳнатни тақсимлашга имкон берди ҳамда иқтисодиёт ва турли мамлакатлар ўртасидаги алоқани ривожлантирди.

Пул одамларни бир жойга михланиб қолишдан озод этди, ҳаёт учун керакли бўлган нарсаларни меҳнат қилса бўладиган, айрибошлаш ва савдо қилиш мумкин бўлган ҳар қандай ердан топиш имконини берди.

*“Пул ўзидан кетган жанобдир,
Бироқ қобил хизматкор жуда”*

Б э к о в.

Кишилар ҳар доим пул топишга ҳаракат қиладилар, пул эса улар учун хизмат қилади.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул- товар муносабатларининг ўрни ва ривожланиши

Айтишадику, бозорда гап эмас, пул керак деб...

Герод (эрамиздан III аср олдин)

Пул бозор иқтисодиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг «кони»дир. Иқтисодиёт пул билан тирик. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисоди бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисодиётида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан тортиб, то истемолчига етказиб беришгача пул воситасида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ресурслари, яъни хом-ашёлар, жихозлар ва машиналар ҳамда ишчи кучи бозорда пулга сотиб олинади. Ишлаб чиқариш натижасида яратилган товарлар яна пулга сотилади. Пул кўринишида олинган даромад тақсимланади ва қайта тақсимланади. Масалан, нон ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини кўриб чиқамиз.

пул	ресурслар	и/ч жараёни	товар	пул
-----	-----------	-------------	-------	-----

пул	ун, туз, олтин, тандир новвой	хамир, қориш, нон ёпиш	нон	пул
-----	-------------------------------------	------------------------------	-----	-----

Пул бозор иқтисодиётининг «тили»дир. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромад-у харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар фақат пулда ифодаланади.

Ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорлар, алоҳида - алоҳида фуқаролар фаолияти натижаси ҳам пул билан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини ташкил этиш, пул айрибошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пулни қарзга бериш, пул воситасида молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби иқтисодий муносабатлар янада кучайиб, мураккаблашиб боради.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Пулнинг моҳияти нимада?
2. Пулнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?
3. Пулнинг зарурлигини асосланг?
4. Товар – нима?
5. Бир товарни бошқа товарга бевосита алмаштириш деганда нимани тушуназис?
6. Бир товарни бир неча товарга алмаштириш деганда нимани тушуназис?
7. Барча товарлар учун умумий эквивалент товарлар деганда нимани тушуназис?
8. Умумий эквивалент сифатида металллар пулнинг вазифасини қандай бажарган?
9. Пул товар булиши мумкинми?
10. Пул – нима?
11. Бартер – нима?
12. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг муҳимлиги нимада?

7- МАВЗУ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Режа:

1. Банкларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий шарт-шароитлар.
2. Банкларнинг турлари ва уларнинг таснифи.
3. Банкларнинг асосий вазифалари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Асосий тушунчалар: банк, пулни саклаш, саррофлар, пул алмаштириш, кредит операциялари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, банклар таснифи, эмиссион банклар, тижорат банклар, ихтисослашган банклар, универсал банклар, давлат банклари, давлат акциядорлик банклари, акциядорлик банклар, хусусий банклар, қўшма банклар.

1. Банкларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий шарт-шароитлар.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тузумларда банкларнинг ҳам бўлишини тақозо қилади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул қилиш ва бошқа давлат, шаҳар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиққан. Кейинчалик пулдорлар ўзининг бўш турган маблағларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблағ зарур бўлган шахсларга қарзга беришган. Бу пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи италянча “banco” сўзидан олинган бўлиб “стол”, банкнота эса “пуллик стол” деган маънони англатади. Ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишлардаги тангаларни стол устида қуйиб ҳисоб-китоб қилганлар.

XII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни “bancherii” деб аташган. Агар пулдорлардан бирортаси ишончни оқламаса ва ишига маъсулиятсизлик қилса, у ўтирган стол синдириб ташланган ва уни “Banco rotto”, яъни банкрот деб аташган. Яъни, бизга маълум бўлган “банкрот” сўзи ҳам шу сўздан олинган.

Банклар пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси бўлиб XVI асрда Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиробанклар ҳисобланади.

Бу банклар асосан ўз миждозлари-савдогарларга хизмат қилган, улар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олиб борган. Бу банклар ўз миждозларини танга пуллар таркиби бузилишидан зарар кўришдан ҳимоя қилишган. Улар ҳисобларни маълум суммадаги қимматбаҳо метални ифодаловчи махсус пул бирлигида олиб боришган, ўзларининг бўш пул маблағларини жиробанклар давлатга қарзга, шаҳарларга, чет эл савдогарларига ссуда кўринишида берган. Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтин (олтинни сақлаб бериш) билан шуғулланувчилар (масалан, Лондонда банк ишини илк бор ривожлантирган Чайльд номли пулдор) ва савдогарлардан келиб чиққан.

1650 йилда ташкил этилган Марказий банк фаолиятини амалга оширган биринчи банк бу Швециянинг Рикс банки бўлиб ҳисобланади, шундан сўнг 1694 йилда Англия Марказий банки; 1800 йилда Франция Марказий бани; 1893 йилда Италия Марказий банки; 1913 йилда АҚШ федерал заҳира тизими ташкил этилди.

Қадимги Грецияда пул алмаштирувчи одамларни “трапезида” (грекча-стол), Қадимги римда “менсарилар” (лотинча-стол) деб аташган.

Дастлабки банклар валюта айирбошлаш операцияларидан ташқари, одамларнинг пул бойликларини сақлаш ва омонатчиларга ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш билан ҳам шуғулланганлар. Кейинчалик банкирлар шу нарсани тушуниб етишдики, банкда ҳаракасиз ётган пулларни маълум фоиз эвазига бериб даромад олиш мумкин. Шу тариқа банкларнинг кредит операциялари пайдо бўлган.

Банкларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар ва талабларнинг ошиши, савдо капитали айланишининг тезлашуви билан боғлиқ бўлган. Натурал хўжалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик ҳисоб-китоблар олиб боришга, кредитнинг ривожланишига йўл очди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёлланма меҳнатни жалб қилишга олиб келган. Ёлланма меҳнат учун ҳақнинг пул шаклида тўланиши, доимий пул айланишини юзага келтирди. Пул айланишини эса банк томонидан бошқариш зарур эди. Шундай қилиб, банклар фаолият кўрсата бошлади ҳамда улар маблағларни йиғиш ва тақсимлаш орқали ссуда капитали

харакатини бошқара бошлади. Ссуда капиталистидан фарқли ўлароқ банкир тадбиркор сифатида иш олиб борган.

Агар саноат соҳасидаги пулдор ўз капиталини саноатга, савдогар ўз маблағини савдога қўйса, банкир ўз капиталини банк ишига қўяди. Ссуда капиталисти асосан ўзининг бўш капиталини қарзга берса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларга таянади. Ссудага маблағ берувчи пулдорнинг даромади ссуда фоизи бўлса, банкирнинг даромади банк фойдаси ҳисобланади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пуллариини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги капитални ўз қўлларида жамлайдилар ва даромад келтирувчи капитал ҳаракатини бошқариб борадилар. Банкларнинг йириклашуви ва улар фаолиятининг такомиллашуви уларнинг махсус корхоналар – кредит муассасаларига айланишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк фаолияти халқ хўжалиги мавжуд бўлган бўш маблағларни жалб қилиш ва ссуда капиталини тақсимлашни ўз ичига олади. Банк ўз фаолияти давомида маълум даромадга эга бўлади. Бу даромад банк жалб қилган ресурсларга йўналтирилган фоиз ва жойлаштирган ресурслар бўйича оладиган фоиз ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Банкларни пайдо бўлишининг асосий сабабларидан қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1. Маълумки, қадимда кишилар анча тарқоқ, бир-бирларидан узоқда яшаганлар. Улар турли урушлар, босқинчилик ва талончилик натижасида кўп жабрланганлар. Дастлабки банклар ана шу замонларда пайдо бўлган. Улар йирик шаҳарлар, аҳоли кечаю-кундуз гавжум бўладиган бозорлар, карвонсаройлар, ибодатхоналар ва портларда мустаҳкам биноларда жойлашганлар. Пулдорлар ўз пуллари ва бойликларини маълум ҳақ тўлаш эвазига ана шу банкларда сақлаганлар. Ана шундай тарзда банкларнинг биринчи-пулни сақлаш операциялари вужудга келган.

2. Ўрта асрларда йирик давлатлар жуда кам, аксинча, майда феодал давлатлар – князлик, графлик, хонлик, амирлик ва шу кабилар жуда кўп бўлган. Ҳар бир хукмдор тахтга ўтиргач, биринчи навбатда ўз номидан танга зарб этган. Бу тангалар аввалгиларидан ўзгача бўлган. Ана шу сабабли савдо-сотикда турли-туман тангалар ишлатилган. Улар бир-бирларидан вазни, шакли, кўриниши ва таркиби жиҳатидан фарқ қилган. Бу тангаларнинг ҳақиқийлиги, таркиби ва қийматини аниқлаш, уларни бир-бирига таққослаш, шунингдек, алмаштириш зарурати туғилган. Бу вазифаларни

дастлаб **саррофлар**, Кейинроқ эса банклар бажара бошлаганлар. **Пул алмаштириш** қадимий банкларнинг иккинчи операцияларидир.

3. Пул сақлаш ва алмаштириш билан шуғулланиш натижасида банкларда катта миқдорда пул маблағлари жамғарила борган. Аммо бу пуллар ҳаракатсиз ётган. Аста-секин банк эгалари бу пулларни маълум ҳақ эвазига ўз номларидан қарзга бера бошлаганлар. Қарзни ўз муддатида қайтарилишини кафолатлаш учун қарз олувчининг мол-мулки (уй-жойи, ери, кемалари ва бошқалар) гаровга олинган. Ана шундай тарзда банкларнинг учинчи операциялари, яъни, **кредит операциялари** келиб чиққан. Энди банклар **судхўрлик** билан ҳам шуғуллана бошлаганлар.


4. Маълумки, банк эгаси томонидан банкка пул қўйган ҳар бир кишининг пул қўйиши ва олиши ҳисоб-китоби «темир дафтарда» олиб борилган. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, бир-бири билан савдо-сотик ёки «олди-берди» қилувчи икки ва ундан ортиқ шахслар бир банкда ўз пулларини сақлаганлар. Улар ҳар сафар банкдан нақд пул олишлари, ўзаро ҳисоб-китоб қилгандан сўнг, уни яна қайтариб банкка қўйишлари лозим бўлган. Бошқача қилиб айтганда, банк эгаси ертўладаги сандиқларни очиб, пулни эгасига берган, у эса ўз навбатида пулни иккинчи кишига берган. Иккинчи киши эса пулни яна банкка қўйган, яъни серташвиш «пулни шамоллатиш операцияси» ўтказилган, холос.

“Бу оворагарчиликдан кўра, «Темир дафтар» даги пул берувчининг пулини маълум миқдорга камайтириб, пул олувчиникига қўшиб қўйса бўладику!” деган ғоя банк эгасида шаклланган. Ана шундай қилиб банклар орқали **нақд пулсиз ҳисоб-китобларни** амалга ошириш жараёни бошланган.

2. Банкларнинг турлари ва уларнинг таснифи.

Банклар таснифи деганда, уларни у ёки бу белгиларига қараб гуруҳлаш тушунилади.

Банклар ўзлари бажарадиган вазифаларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:



Эмиссия банкларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакат миллий пул бирлигини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш;
- мамлакатда нақд пул муомаласи ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва таъминлаш;
- мамлакатда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларини назорат қилиш ва тартибга солиш;
- бошқа вазифалар.

Эмиссия банклари ҳар бир мамлакатда бир ёки бир нечта бўлиб, турлича номланади.

Масалан, Ўзбекистонда - Марказий банк, Россияда - Центральный банк, Германияда - Бундесбанк, АҚШ да Федерал резерв тизими ва ҳоказо.

Эмиссия банклари одатда, давлат банки бўлиб, мамлакат манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ҳукумат муассасаси сифатида фаолият кўрсатадилар.

Тижорат банкларининг энг асосий мақсади ўз фаолиятлари натижасида даромад олиш бўлиб, турли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга банк хизматларини кўрсатадилар. Улар ҳар бир мамлакатда ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб фаолият кўрсатишлари мумкин.

**БАНКЛАР МАЪЛУМ БЕЛГИЛАРИГА ҚАРАБ
ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРГА БЎЛИНАДИ.**

**мулк шаклига
қараб:**

- акциядорлик,
хусусий,
кооператив,
➤ давлат, аралаш,
➤ халқаро банкларга
бўлинади;

**миллий мавқеи
бўйича:**

- миллий,
➤ ҳорижий
банкларга;

**фаолият
кўрсатиши ва
бажарадиган
функцияларига
қараб:**

универсал,
ихтисослашган
банкларга бўлинади.

Акциядорлик банклари акциядор компаниялар сифатида юзага келган банклар бўлиб, акциялар чиқариш ҳисобидан уларнинг асосий

капитали шакллантирилади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимининг асосий қисмини акциядорлик банклари ташкил қилади.

Хусусий банклар – асосан жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Майда ишлаб чиқарувчилар, хунармандларнинг фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида кооператив банклар ташкил қилинади. Бу банкларнинг маблағлари иштирокчиларнинг маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилади ва мижозларга уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун енгил шароитда кредит берилади.

Давлат банклари давлат ихтиёрида бўлган кредит муассасаси бўлиб, унинг биринчи куртаклари қадимий Римда, Мисрда, кейинчилик XVI-XVII асрларда Европада вужудга келган.

Аралаш мулкчилик шаклидаги банкларга, одатда чет эл капитали иштирокидаги банклар, ёхуд давлат ҳамда хусусий капитал асосида ташкил этилган яримдавлат банклари киритилади.

Халқаро банклар халқаро кредит муассасалари бўлиб, валюта ва молия-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлатлараро келишувларга асосан ташкил этилади. Уларга Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ва бошқа кредит муассасаларини киритиш мумкин.

Банклар хўжалик юритиш белгиси ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қараб ихтисослашган ва универсал банкларга бўлинадилар:

Ихтисослашган банклар одатда халқ хўжалигининг у ёки бу тармоқлари ва соҳаларини устувор ривожлантиришга хизмат қилади. Улар асосан, ана шу тармоқ ва соҳага тегишли корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатади. Бундай банклар қаторига инвестиция, ипотека, инновация, биржа банклари ва бошқалар киради.

Универсал банклар эса ўз мижозларининг у ёки бу тармоқларга тегишли бўлишидан қатъий назар, уларга турли-туман банк хизматларини кўрсатади.

Банклар юқорида кўриб чиқилган белгиларидан ташқари бошқа белгиларига қараб ҳам таснифланиши мумкин.

3. Банкларнинг асосий вазифалари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Банк деб, пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит ва ҳисоб-китоблар, шунингдек, бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Банклар кредит тизимининг энг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг асосий вазибалари қуйидагилардан иборат:

- жамиятдаги бўш пул маблағларини йиғиш ва жамлаш, уларни кредит ва инвестициялар сифатида иқтисодиётни ривожлантириш учун сарфлаш, яъни ҳаракатдаги капиталга айлантириш;
- тўловларда воситачилик қилиш. Банклар ўз мижозларининг топшириқларига асосан тўловларни амалга оширадидлар, маблағларини ҳисоб варақлар (счёт) ига қабул қиладидлар, пул тушумларини ҳисобга оладидлар, мижозларга нақд пул маблағларини берадидлар ва бошқалар;
- муомалага кредит воситалари, турли қийматли қоғозларни чиқариш, сотиш ва сотиб олиш ҳамда бошқаларни амалга ошириш;
- чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш ва бошқалар.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҚУЙИДАГИ
ОПЕРАЦИЯЛАРНИ БАЖАРАДИ:**

- пассив операциялар;
- актив операциялари;
- банк хизматлари ва воситачилик операциялари;

Шу билан бирга, банклар молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмоқда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар-брокерлар сифатида майдонга чиқадидлар ва катта миқдорда воситачилик хақи оладидлар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Ҳозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийб 350 турдаги молиявий хизматларни (лизинг, факторинг, траст ва ҳ.к.) кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелида қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунига кўра:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган, қўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида тижорат банкларининг қўйидаги операциялари қайд қилинган:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фойзлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.
- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизинг;
- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Банк» сўзи қандай маъноларни англатади?
2. Банклар пайдо бўлишининг асосий сабаблари?
3. Банкларнинг дастлабки операциялари қандай вужудга келди?
4. Банк - қандай ташкилот?
5. Банклар қандай белгиларига қараб таснифланади?
6. Эмиссия банкларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
7. Тижорат банкларининг энг асосий мақсади нимадан иборат?
8. Иктисослашган банклар асосан қайси мақсадларда хизмат қилади?
9. Универсал банклар миждозларга қанлай хизматлар кўрсатади?
10. Мулкчилик шаклига қараб банклар қандай турларга бўлинади?
11. Банклар қандай вазифаларни бажаради?
12. Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари қандай турдаги операцияларни амалга оширади?

8-МАВЗУ. КРЕДИТНИНГ МОҲИАТИ ВА ЗАРУРАТИ

Режа:

1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрни.
2. Кредит субъектлари ва объектлари, ресурслари ва манбалари.
3. Кредитнинг вазифалари.
4. Кредитлаш тамойиллари.

Асосий тушунчалар: Судхурлик кредити, кредит субъектлари, кредит объектлари, кредит ресурслари, кредитнинг тамойиллари, қайтариб беришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, мақсадлилик, самарадорлилик.

1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрни.

«Кредит» латинча сўз бўлиб, «қарз» маъносини билдиради. Кредит қадимий тушунча сифатида товар, пул, бозор, баҳо ва бошқа атамалар билан бир даврда пайдо бўлган ва уларнинг доимий ҳамроҳидир.

Маълумки, кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичи ибтидоий жамоа тузуми емирилиши натижасида жамият аъзолари бой ва камбағал оилаларга ажралди. Бой оилалар қўлида жамиятдаги моддий бойликлар тўпланиб қолди, камбағаллар эса ана шу бойликлардан маҳрум бўлдилар. Натижада моддий бойликлар ва пул маблағлари зодагонлар, катта ер эгалари, савдогарлар, саррофлар қўлида ва черковларда жамлана борган. Ерсиз деҳқонлар, майда ҳунармандлар ва бошқа қуйи табақага мансуб кишилар эса кун куриш учун улардан маълум ҳақ тўлаш эвазига ер ва ишлаб чиқариш жиҳозларини ижарага, турли маҳсулотлар ва пул маблағларини қарзга олишга мажбур бўлганлар. Ана шундай қилиб, кредитнинг энг қадимий шакли **судхўрлик кредити** пайдо бўлган.

Кредит кишилиқ жамиятининг қулдорлик, феодализм ва капитализм даврларида ривожланди ҳамда такомиллашиб борди. Унинг янгидан-янги турлари ва шакллари пайдо бўлди. Кредит жамиятнинг барча соҳаларига кириб борди. Кредит жамият такрор ишлаб чиқариш жараёнида беқиёс ўринга эга бўлиб, пул – товар муносабатларининг ажралмас қисмига айланди.

Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг иқтисодий асосидир:



Фондларни ; иравий айланишида товар ишлаб чиқариш вақти билан уни сотиш вақт инг ўзаро мос келмай қолиши натижасида қўшимча маблағларга эҳтиёж туғилади. Айрим ҳолларда эса маблағлар бекор туриб қолади. Бир томондан маблағларнинг етишмаслиги, бошқа томондан эса уларнинг бекор туриб қолиши ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келади. Бу зиддиятни кредит муносабатлари бартараф этади.

Кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағлари ёки товарларни маълум муддатга, ҳақ тўлашлиқ шарти билан, қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлар, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчилар маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда тўловни кечиктириб насияга товарлар сотиб олиш ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Кредит воситасида жамиятда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигига эришилади.

2.Кредит субъектлари ва объектлари, ресурслари ва манбалари.

Кредит муносабатларида 2 томон, яъни **қарз берувчи** (кредитор) ва **қарз олувчи** иштирок этади.

Уларни кредит **субъектлари** дейилади. Кредит субъектлари таркибига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, банклар, давлатлар, халқаро ташкилотлар, турли фондлар ва аҳолининг турли тоифалари киради.

Кредит 2 шаклда, яъни пул маблағлари ёки товарлар шаклида берилади. Уларни кредит **объектлари** дейилади. Кредит объектлари ҳар қандай пул

маблағлари ва товарлар эмас, балки вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товарлардир.



Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги бўш пул маблағларидан **кредит ресурслари** сифатида фойдаланиш мумкин:

1. Асосий фондларни тиклаш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизасия фондлари сифатидаги пул маблағлари;
2. Товарларни сотиш ва зарурий ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаганлиги туфайли вужудга келган бўш пул маблағлари;
3. Товарларни сотишдан тушган пул тушумлари билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
4. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
5. Аҳолининг даромадлари, жамғармалари ва бўш пул маблағлари.

Республика тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамланиши уларнинг кредитлаш салоҳиятининг ошишига олиб келди. Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлари қолдиғи 34,8 фоизга ошди ва 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 11 трлн. 539,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг узоқ муддатли кредитлари қолдиғи 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 35,2 фоизга ошиб, жами кредит қуйилмаларидаги салмоғи 78,6 фоизни ташкил қилди.

2010 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 3 трлн. 250 млрд. сўмдан зиёд ёки 2009 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

3.Кредитнинг вазифалари.

Кредит қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Кредитнинг **энг муҳим вазифаси** ижтимоий ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдан иборатдир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш вақти, ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш вақти билан ўзаро мос келмайди. Ана шу сабабли ишлаб чиқарувчиларда айрим ҳолларда пул маблағлари етишмайди, бошқа ҳолларда эса пул маблағлари бўла туриб, унга эҳтиёж бўлмайди, яъни пул бўш туриб қолади. Ушбу жараённи пахта етиштириш мисолида кўриб чиқамиз:

Й и л о й л а р и											
XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
ер ҳайдаш		Ўғит-лаш		Чигит экиш		Ғўза парвариши			Пахта териш ва сотиш		
Ҳаражатлар кредит ҳисобидан қопланади.									Кредит қайтарилади		

Аксарият корхоналар ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш учун ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда зарур бўлган пул маблағлари ва товарларни кредитга олишлари мумкин.

2.Кредит воситасида муомалага пулга тенглаштирилган тўлов воситалари бўлган вексел, чек, сертификат, кредит карточкалари ва бошқалар чиқарилади. Бу воситалар ёрдамида нақд пулли операсияларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан алмаштирилади. Натижада тўловлар тезлашади, муомала ҳаражатлари тежалади.

3. Кредит орқали пул маблағлари турли тармоқлар ва соҳалар ўртасида қайта тақсимланади. Маълумки кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади, яъни кредит сотиб олинади. Қайси ишлаб чиқарувчига пул маблағлари зарур бўлса, уни сотиб олади ва ундан фойдаланади. Шундай қилиб, пул маблағлари ва ишлаб чиқариш ресурсларининг турли тармоқлар ўртасида эркин кўчиб юриши таъминланади.

4. Кредит воситасида жамиятдаги бўш пул маблағлари жамғариб борилади ва ҳаракатдаги капиталга айлантирилади яъни у ёки бу соҳани ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади.

5. Кредит воситасида жамиятда иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконияти туғилади. сабаби, қарз олувчи нафақат олган кредитини қайтариш ва кредит фоизини тўлаш учун ишлайди, балки ўзи ҳам даромад олишни кўзлайди. Бунинг учун эса ўз фаолиятида юқори самарадорликка эришишига ҳаракат қилади.

4.Кредитлаш тамойиллари

Кредит муносабатлари қуйидаги тамойиллар (принциплар) га риоя этган ҳолда амалга оширилади:

КРЕДИТЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ:

1. Қайтариб беришлик
2. Муддатлилиқ
3. Таъминланганлик
4. Мақсадлилиқ
5. Тўловлилиқ
6. Самарадорлик

1. **Кредитнинг қайтариб беришлик** тамойилига асосан кредитга берилган маблағлар белгиланган муддатда қайтариб берилиши лозим, яъни

кредит «еб кетарга» берилмайди. Берилган кредитни қайтармаслик ёки ундан кечиб юбориш бозор иқтисодиёти қонунларига зиддир.

Яхшиларингиз қарзни яхши адо этувчи кишилардир

Муҳаммад пайғамбар алайҳис-салом қиссаси.

Ҳадислар

2. Кредитнинг муддатлилиқ тамойилига кўра кредит маълум муддатга берилади. Бу муддат кредит шартномасида белгилаб қўйилади. Агар қарз олувчи кредитни ўз муддатида қайтармаса, қарз берувчи томонидан иқтисодий жазо чоралари кўрилиши, яъни жарималар солиниши, кредит фоизининг оширилиши, кредит муддатини қисқартирилиши мумкин. Бу чоралар ҳам ёрдам бермаса қарз берувчи кредитни хўжалиқ суди орқали ундириб олиши мумкин.

Қарзни ўз вақтида бермасдан чўзиб юриш зулумдир.

Муҳаммад пайғамбар алайҳис-салом қиссаси.

Ҳадислар

3. Кредитнинг таъминланганлик тамойили олинган кредит суммасини қайтариб берилишини кафолатлайди. Ҳозирда кредитларни таъминланиши қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширади:

- қарз олувчининг мол мулкани гаровга олиш орқали;
- кредит суммасини суғурта компаниялари томонидан суғурталаш йўли билан;
- учинчи шахслар томонидан ишонч хатлари ёки кафолатномалар бериш орқали.

Таъминланмаган кредит берилиши уни қайтарилмаслиги асосидир.

Кафил бўлгунча , кафтинг билан чўг ушла.

(Ўзбек халқ мақоллари)

4.Кредитнинг тўловлилиқ тамойили олинган кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланишини билдиради. Одатда кредит учун тўланадиган ҳақ «фоиз», «ссуда фоизи» ёки «банк фоизи» дейилади. Ссуда фоизи том маънода кредитнинг баҳосидир. Айрим ҳолларда фоизсиз яъни имтиёзли кредитлар ҳам берилиши мумкин.

Жаноби Расулulloҳ қарздордан ҳақини сўраб гапирган одам тўғрисида бундай деганлар: “ Ҳақдор одамнинг гапиришига ҳаққи бор”

5. Кредитнинг мақсадлилиқ тамойили қарз олувчи томонидан олинган кредит аниқ бир мақсадга сарфланиши лозимлигини билдиради. Қарз берувчи берилган кредитни шартномада кўрсатилган мақсадда сарфланиши устидан назорат ўрнатади. Агар кредит бошқа мақсадларга сарфланаётгани маълум бўлиб қолса, кредит бериш тўхтатилади ва берилган кредитни муддатидан аввал ундириб олиш чоралари кўрилади.

Қарздор қарзини узар, хотин ёнида қолар.

(Ўзбек халқ мақоллари)

6.Кредитнинг самарадорлиги тамойили кредитдан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу тамойил нафақат кредитнинг қайтарилиши ва фоиз суммасининг тўланиши, балки ундан ташқари шу кредит ёрдамида қарз олувчи қанча даромад олиши, фойда кўришини ҳам белгилайди. У ёки бу лойиҳа бўйича кредит беришдан аввал, бериладиган кредит самарадорлигини аниқлаш ва бошқа лойиҳалар билан таққослаб кўриш лозим. Кайси лойиҳа самаралироқ бўлса, ана шу лойиҳага кредит бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Самарадорлик тамойили ва унга риоя қилиш кредитни бошқа тамойилларини бажарилиши учун асос ҳисобланади.

Қарз товуш чиқармаса ҳам, ухлагани қўймас.

(Ўзбек халқ мақоллари)

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Кредит сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?
2. Судхўрлик кредитининг пайдо булиш сабаби нимада?
3. Кредит- қандай иктисодий муносабатлар йигиндиси булиб ҳисобланади?
4. Кредитнинг моҳияти нимада?
5. Кредитнинг зарурати нимада?
6. Кредитнинг субъектлари кимлар?
7. Кредитнинг объекти нима?
8. Қандай бўш пул маблағларидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилади?
9. Кредитнинг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?
10. Кредитнинг кайси тамоилларига риоя этилади?
11. Кредитнинг қайтариб беришлик тамоилидан мақсад нимада?

12. Кредитнинг муддатлилик тамоилидан мақсад нимада?
13. Кредитнинг таъминлаганлик тамоилидан мақсад нимада?
14. Кредитнинг туловлилик тамоилидан мақсад нимада?
15. Кредитнинг мақсадлилик тамоили нимага талаб қилинади?
16. Кредитнинг самарадорлик тамоили қандай иқтисодий самара беради?

9-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

1. Халқаро иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни.
2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари.
3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари.
4. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши.
5. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро иқтисодий ҳамжамиятга кириш шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати.

Асосий тушунчалар: халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро меҳнат тақсимоти, иқтисодий манфаатдорлик, ташқи савдо, экспорт, импорт, миграция, халқаро сайёҳлик

1.Халқаро иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни

Халқаро иқтисодий алоқалар деганда мамлакатлар ўртасидаги савдо, иш кучининг кўчиб юриши, яъни миграцияси, кредит, валюта муносабатлари, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик, сайёҳлик ҳамда бошқа турдаги муносабатлар тушунилади.

Халқаро иқтисодий алоқалар мамлакатда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ривожланиши, меҳнат унумдорлигини ўсиши, халқ хўжалиги тармоқларида фан-техника ютуқларини жорий қилишга имкониятлар яратади ва миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширади.

Бозор иқтисодиёти очик иқтисодиёт бўлиб, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни талаб қилади. Бундай ҳамкорликнинг асосини халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти турли мамлакатлар хўжалик фаолиятининг ихтисослашуви, уларнинг бир-бирларига товарлар етказиб беришлари ва хизматлар кўрсатишлари заруратини билдиради.

Айрим мамлакатлар у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Бу табиий шароит, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тараққиёт даражаси, шунингдек мамлакат ресурсларига боғлиқ бўлади. Қайси

мамлакатда қайси товарларни сифатли ва кам ҳаражат билан яратиш имконияти мавжуд бўлса, шу соҳа ривож топади.

Халқаро меҳнат тақсимооти иқтисодий манфаатдорлик қонидасидан келиб чиқади. Мамлакатда қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш қулай ва арзон бўлса, шу маҳсулот бошқаларга ҳам етказиб берилади, ниманики мамлакатда ишлаб чиқариш ўрнига четдан келтириш арзонга тушса, шу товар четдан сотиб олинади. Иқтисодий манфаатдорлик қонидасининг моҳияти шундаки, халқаро ҳамкорликда иштирок этувчи ҳеч бир мамлакат зарар кўрмайди, балки у ёки бу даражада манфаатдор бўлади.

Модомики, Қувайт учун нефтни, Япония учун машиналарни, Ҳиндистон учун чойни, Ўзбекистон учун пахтани четга сотиш қулай экан, улар шуни афзал кўришади. Ихтисослашув меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиради, маҳсулот сифатини яхшилайдди.

Халқаро иқтисодий алоқаларда мамлакатлар турли даражада қатнашадилар. Иқтисодиёти заиф мамлакатлар бошқаларга хом-ашё етказиб берсалар, иқтисодий ривожланган мамлакатлар тайёр саноат маҳсулотларини четга чиқарадилар.

Халқаро иқтисодий алоқаларда ҳар бир мамлакат ўз ўрнини топишга, халқаро иқтисослашувда қатнашишга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда интилади. Халқаро миқёсда алоқалар қанчалик чуқурлашса, мамлакатларнинг бир-бирларига боғлиқлиги шунчалик кучаяди, уларнинг ҳамкорлик доираси кенгаяди.

2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АСОСАН ҚУЙИДАГИ ШАКЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- ташқи савдо;
- халқаро кредит;
- халқаро иш кучи миграцияси;
- халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик;
- халқаро сайёҳлик ва бошқа турдаги хизматлар.

Ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг қадимий ва асосий шаклидир. Ташқи савдода экспорт ва импорт атамалари қўлланилади.

Импорт деганда, чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни мамлакатга келтириш ва ички бозорда сотиш тушунилади.

Ташқи савдо обороти экспорт ва импорт йиғиндисидан иборатдир, яъни:

$$\boxed{\begin{array}{c} \text{Ташқи савдо} \\ \text{обороти} \end{array}} = \boxed{\text{Экспорт + Импорт}}$$

Ташқи савдо азалдан ривожланиб келган. Шу боисдан ўрта асрлардаёк Буюк Ипак йўлида Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо ривож топган. Агар дастлаб мамлакатлар ўзларининг ички бозорларидан ортган товарларни четга чиқарган бўлсалар, эндиликда товарлар экспорт мақсадлари учун ишлаб чиқарилади.

Ташқи савдо турли мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш бўлиб, иқтисодий манфаат кўриш мақсадларида амалга оширилади. Муайян товарни ишлаб чиқариш нисбатан арзон ёки қимматга тушиши, уни экспорт ёки импорт қилишга олиб келади. Агар мамлакатда ишлаб чиқарилган товар чет мамлакатларда ишлаб чиқаришга нисбатан арзонга тушса, у ҳолда бу товар экспорт қилинади. Аксинча, мамлакатда ишлаб чиқарилган товар четга нисбатан қимматга тушса, у ҳолда бундай товарни импорт қилиш афзалдир.

Товарларнинг арзон бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мамлакатнинг табиий ресурслари;
- мамлакатнинг илмий салоҳияти;
- тўпланган тарихий тажриба;
- ресурслар ва ишчи кучининг арзонлиги.

Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги иштироки ва унинг самарадорлигини экспорт ва импортнинг нисбати, уларнинг таркиби белгилайди. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар экспорти импортига нисбатан кўп ва асосан, тайёр саноат маҳсулотларидан иборат бўлади. Масалан, Буюк Британия экспортининг 90 фоиздан ортиғини саноат маҳсулотлари ташкил этади.

Кам ривожланган мамлакатлар экспорти импортидан оз, агар кўп бўлса ҳам, барибир хом-ашёдан иборат бўлади. Улар импортида тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқатлар катта салмоққа эга бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакат учун:



Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида қатнашмоқда ва 1996 йилда биринчи марта ташқи савдо оборотида ўз экспортининг импортидан кўп бўлишига эришди, яъни ижобий қолдиққа (сальдо) эга бўлиб келмоқда.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг яна бир шакли **халқаро кредитдир**. Халқаро кредит айрим мамлакатлар ва трансмиллий корпорациялар ҳамда халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан бошқа мамлакатларга заёмлар ва кредитлар беришда ўз аксини топади.

Узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида турли сабабларга кўра (урушлар, мустамлакачилик ва бошқалар) жаҳоннинг айрим мамлакатларида пул маблағлари ва моддий бойликлар жамғарилиб борилган. Булар жумласига АҚШ, Канада ва Ғарбий Европа мамлакатлари киради. Улар қаторига кейинчалик Япония, Жанубий Корея, Исроил ва Яқин Шарқдаги нефт қазиб олувчи мамлакатлар ҳам қўшилди. Бу мамлакатларнинг иқтисодиётлари ривожланган ва қудратли бўлиб, аҳолиси фаровон ҳаёт кечиради. Улар ўз маблағлари, яъни капиталларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида табиий ресурсларга бой, ишлаб чиқариш ресурслари ва иш кучи арзон, иқтисодиёти ночор мамлакатларга кредит берадилар, инвестициялар кўядилар.

Кредит олувчилар асосан, Африка, Латин Америкаси, Марказий Европа, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатларидир. Шунингдек, жаҳонда фаолият кўрсатаётган ўнлаб халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари ҳамда йирик банклар ҳам халқаро кредитлар бериш билан шуғулланмоқда.

Бироқ кейинги вақтда ривожланган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётларига халқаро кредитлар жалб қилмоқда.

Иш кучининг мамлакатлар ўртасида кўчиб юриши **иш кучининг халқаро миграцияси** дейилади. Миграция оқими иш кучи ортиқча бўлган мамлакатлардан унга талаб бор бўлган мамлакатлар томон йўналган бўлади.

У кишиларни бир мамлакатдан бошқасига ишлаб келиш ёки тамомила ўша ерда қолиб ишлаш учун кўчиб боришларини билдиради.

Иш кучи миграцияси меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини беради, иш ҳақини оширади, валюта топишга шароит яратади, ишловчилар малакасини оширади.

Айрим мамлакатлар иш кучи етишмаслиги сабабли уни четдан импорт қиладилар. Булар қаторига АҚШ, Ғарбий Европа, Россия ва Яқин Шарқ мамлакатлари киради. Бошқа мамлакатларда эса иш кучи нисбатан ортиқча, ишсизлик юқори бўлганлиги сабабли улар иш кучини экспорт қиладилар.

Ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қаторига Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Таиланд ва бошқа Осиё мамлакатлари, шунингдек Африка ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари киради.

Халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклларида биридир. Илмий-техникавий ҳамкорлик фан ва техника ҳамда илмий тадқиқот соҳаларидаги давлатлараро иқтисослашув туфайли вужудга келган. Бу алоқалар халқаро доирада фан-техника ютуқларини алмашилиш, биргаликда илмий ишланма ва лойиҳалар тузиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда намоён бўлади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий – тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлири ҳорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг илмий-тадқиқот ишларида фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Дунёнинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан энг долзарб муаммолар соҳасидаги лойиҳаларда иштирок этмоқдалар.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик корхоналарининг ихтисослашув ва кооперативлашуви, биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш, кўшма корхоналар бунёд этиш ҳамда капитал қурилиш соҳасида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларда янги саноат корхоналарини қуриш, уларни энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Халқаро сайёҳлик халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг тез ривожланаётган туридир. Сўнгги ўн йилликлар давомида жаҳонда ҳақиқий сайёҳлик васвасаси рўй бермоқда. Жаҳонда сайёҳлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда.

3. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва валюта тизимлари.

Пулнинг жаҳон хўжалигида амал қилиши ва турли халқаро иқтисодий алоқаларга (ташқи савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, илмий-техникавий маҳсулотларни айирбошлаш, туризм ва ҳ.к.) хизмат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар халқаро **валюта-кредит муносабатлари** деб аталади.

Халқаро валюта-кредит муносабатлари пулнинг халқаро тўлов муносабаотида амал қилиш жараёнида вужудга келади.

Валюта – бу мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.). Ҳар бир миллий бозор ўзининг миллий валюта тизимига эга бўлади. Бунда миллий ва халқаро валюта тизимини фарқлаш зарур.

Миллий валюта тизими – валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланадиган, мазкур мамлакатда ташкил қилиниш шаклини ифодалайди. Унинг таркибига қуйидаги унсурлар киради:

- миллий пул бирлиги;
- валюта курси тартиби;
- валютанинг муомалада бўлиш шарт-шароитлари;
- валюта бозори ва олтин бозори тизими;
- мамлакатнинг халқаро ҳисоблашув тартиби;
- мамлакат олтин-валюта захирасининг таркиби ва уни бошқарув тизими;
- мамлакат валюта муносабатларини тартибга солувчи миллий муассасалар мавқеи.

Халқаро валюта тизими (ХВТ) – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган шакли.

ХВТ нинг таркибий унсурлари қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари – СДР, Евро);
- валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми;
- халқаро тўловларини баланслаштириш тартиби;
- валютанинг муомала қилиш шарт-шароити;
- халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби;
- валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Бундан кўринадики, миллий ва халқаро валюта тизими унсурлари деярли бир хил бўлиб, улар фақат ташкил этилиши, амал қилиши ва тартибга солиниши миқёслари жиҳатидан фарқланади.

Жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида учта босқичдан ўтди ва уларнинг ҳар бирига халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ўз турлари мос келади.

Биринчи босқич 1879-1934 йилларни ўз ичига олиб, бунда **олтин стандарт** сифатидаги пул тизими устунликка эга бўлган.

Иккинчи босқич 1944-1971 йилларни ўз ичига олиб, бунда **олтин-девизли** (Бреттон-Вудск тизими деб номланувчи) тизим устунликка эга бўлган. Бу икки тизим қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган.

Учинчи босқич (ҳозирги даврда) амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим **бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизими** номини олди. Чунки давлат кўпинча ўз валюталарининг халқаро қийматини ўзгартириш учун валюта бозорининг фаолият қилишига аралашади.

Мамлакат учта шартни бажарса олтин стандарт қабул қилинган, деб ҳисобланган, яъни: а) ўз пул бирлигининг маълум олтин мазмуни ўрнатади; б) ўзининг олтин захираси ва пулнинг ички таклиф ўртасидаги қаттиқ нисбатни ушлаб туради; в) олтиннинг эркин экспорт ва импортига тўсқинлик қилмайди.

Ҳар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири валюта курси ҳисобланади. **Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги ифодаланишини кўрсатади**

Валюта курсларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари даражаси;
- миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш лаёқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва ҳ.к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш лаёқатининг паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир-бирига нисбати) назарияси ёрдамида берилади. Бу назарияга кўра, курслар нисбатларини аниқлаш учун икки мамлакат истеъмолчилик товарлари «савати» нархларини таққослаш талаб қилинади.

4. Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар

фаолиятининг ривожланиши

Халқаро валюта муносабатлари ўта беқарор, ноаниқ ва тез ўзгарувчи жараён бўлиб, уни ҳар бир мамлакат ҳукуматлари билан бир қаторда валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар ҳам тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Бундай ташкилотлар қаторига Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (ХТТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) ўзига аъзо мамлакатларнинг валюта курси ва тўлов балансларини тартибга солади, уларнинг валюта-молиявий муаммоларини ҳал этиш мақсадида кредитлар ажратади, ривожланаётган мамлакатларнинг кўп томонлама тўловлари тизимини ва ташқи қарзларини назорат қилади.

Қатъий валюта курслари амал қилган даврда ХВФнинг асосий фаолияти валюта нисбатларини ушлаб туриш, валюта курсларига асосиз равишда таъсир кўрсатишнинг олдини олишга қаратилган эди. 1970 йилдан бошлаб ХВФ халқаро тўлов ва захира воситалари – **қарз олишнинг махсус ҳуқуқлари** (СДР) ни чиқара бошлади. СДР нақд пул кўринишида бўлмай, фақат ХВФ махсус ҳисобварақларида кредит ёзувлари кўринишида амал қилади ва фондга аъзо мамлакатларнинг Марказий банклари ўртасидаги ҳисоблашувларда фойдаланилади.

Европа валюта тизими (ЕВТ) 1979 йилда Европа иқтисодий ҳамжамиятига кирувчи давлатлар томонидан валюта курсларини барқарорлаштириш мақсадида ташкил этилиб, бу давлатлар ўртасидаги тўлов жараёнларида амал қилувчи Европа валюта бирлиги ЭКЮ муомалага киритилди. 1999 йилнинг 1 январидан эса Европа валюта бирлиги сифатида муомалага киритилга Еврога тўлиқ ўтилди.

Иқтисодий ва валюта иттифоқи (ИВИ) Европа валюта тизими амал қилиши натижасида ташкил этилиб, у куйидагиларни тақозо этади:

- молия бозорларининг тўлиқ интеграциялашуви;
- капиталлар ҳаракатининг тўлиқ эркинлашуви;
- барча валюталарнинг тўлиқ конвертациясини таъминлаш ва пировардида миллий валюталарни ягона валюта билан алмаштириш.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) ҳам фаолияти халқаро валюта-молия муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, у ўзининг иккита филиали – Халқаро молиявий корпорация (ХМК)

хамда Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) билан биргаликда Жаҳон банки таркибига киради.

ХВФ нинг аъзоси бўлган мамлакатлар ХТТБ нинг аъзоси бўла олади. ХТТБ томонидан тақдим этиладиган қарзларнинг асосий қисми қарз олувчи мамлакатларнинг иқтисодиётини таркибий қайта қуриш имконини берувчи лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади.

Халқаро молиявий корпорация (ХМК) нинг фаолияти устун равишда ривожланаётган мамлакатларнинг хусусий секторини молиялаштиришга йўналтирилади.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА)нинг асосий фаолияти эса кўпроқ қолақ мамлакатларга имтиёзли ёки фойсиз кредитлар ажратишга қаратилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) таркибига барча саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар киради. ИХРТ унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тенденцияларни, иқтисодиёт соҳасидаги ички ҳатти-ҳаракатларнинг бошқа мамлакатлар тўлов балансига таъсирини аниқлашга қаратилган. ИХРТ томонидан ишлаб чиқилган башорат кўрсаткичлари асосида, жаҳон хўжалиги ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро мослашувига имкон яратувчи макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш бўйича тавсиялар берилади.

Халқаро ҳисоблашувлар банки (ХХБ) Швейцариянинг Базель шаҳрида жойлашган бўлиб, у халқаро молиявий ташкилот ҳисобланмасида, банк фаолиятини халқаро тартибга солишда етакчи роль уйнайди. ХХБ Европанинг деярли барча мамлакатларини, Канада, Австралия, Япония ҳамда АҚШ тижорат банклари гуруҳини ўз таркибида бирлаштиради. 70 дан ортиқ Марказий банклар ўзларининг олтин-валюта захираларини ХХБ ҳисобварақларида сақлайдилар.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифоқ мамлакатларига валюта-молия соҳасида кўмаклашишни мувофиқлаштириш мақсадида 1991 йилда ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти Марказий ва Шарқий Европа, МДХ мамлакатларини ислоҳ қилиш жараёнлари билан боғлиқ турли кўринишдаги дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилгандир.

Бугунги кунда санаб ўтилган бу каби давлатлараро ташкилотларнинг халқаро валюта-молия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва янада

такомиллаштиришга қаратилган фаолиятининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

5. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро иқтисодий ҳамжамиятга кириш шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати

Ўзбекистон узоқ йиллар давомида ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйилган эди. Собиқ СССР даврида халқаро иқтисодий алоқалар фақат Москва орқали, яъни иттифоқ идоралари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилар эди. Ўзбекистон эса халқаро иқтисодий алоқаларда мустақил равишда иштирок этмас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, унинг олдида мустақил равишда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кириш ва унда муносиб ўрин эгаллаш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ва уларга ўзининг ишончли шерик эканлигини кўрсатиш каби бир қатор масалалар пайдо бўлди.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун эса Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширадиган ихтисослашган ташкилий тузилмалар (вазирлик, ташкилотлар, муассасалар, банклар ва бошқалар) ташкил этилмаган, мутахассислар мутлақо етишмас эди.

Ана шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ўз ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида амалга оширилишини кўзда тутди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида очик иқтисодиётни яратиш мақсадида жаҳон хўжалиқ алоқалари ва халқаро меҳнат тақсимоотида кенг миқёсда иштирок этишга интилди.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:

- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Булар жумласига «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» каби қонунлар ва бошқалар киради;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва унинг вилоятлардаги муассасалари ташкил этилди. Бу вазирлик 2002 йилда Агентликка айлантирилди;

- халқаро иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки ўз фаолиятини бошлади ва қисқа вақтда 100 га яқин хорижий банклар билан ҳамкорликни йўлга қўйди;

- халқаро муносабатларни амалга оширувчи мутахассислар тайёрлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети иш бошлади;

- дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Тошкент шаҳрида 100 дан ортиқ давлатнинг элчихоналари ва ваколатхоналари ишлаб турибди, Ўзбекистон ҳам ўз навбатида кўп мамлакатларда ўз элчихоналари ва ваколатхоналарини очди;

- Ўзбекистон кўплаб халқаро иқтисодий ташкилотлар–Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки кабилар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Халқаро иқтисодий алоқалар деганда нималар тушунилади?
2. Халқаро меҳнат тақсимоти нимани билдиради?
3. Халқаро меҳнат тақсимотида иқтисодий манфатдорликдан мақсад нимада?
4. Халқаро иқтисодий алоқалар қандай шаклларда амалга оширилади?
5. Ташқи савдода экспорт ва импортнинг аҳамияти нимада?
6. Ҳозирда Ўзбекистон дунёнинг неча мамлакати билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатган ва ундан мақсад нимада?
7. Халқаро кредитни ривожлантиришдан асосий мақсад нимада?
8. Иш кучининг халқаро миграциясининг асосий сабаби нимада?
9. Халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликдан мақсад нимада?
10. Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорликдан асосий мақсад нимада?
11. Халқаро сайёҳликни ривожлантиришдан асосий мақсад нимада?
12. Халқаро валюта-кредит муносабатлари деганда нималар тушунилади?
13. Халқаро валюта фонди қандай мақсадда ташкил этилган?
14. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиши қандай босқичларни ўз ичига қамраб олган?
15. Халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солувчи қандай муассасалар фаолият юритмоқда?

10-МАВЗУ. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ЭТИКАСИ

Режа:


1. Таълим-тарбияни ривожлантириш ва хориж тажрибалари.
2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг одоб-ахлоқ қоидалари.
3. Банк ходимининг касб одоб-ахлоқ қоидалари.

Асосий тушунчалар: таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, комил инсон, фуқаро тарбияси, одоб-ахлоқ кодекси, талабалар мажбуриятлари, банк ходимларининг кийинишига талаблар

1. Таълим-тарбияни ривожлантириш ва хориж тажрибалари

Ўлкамизда 81 та олий ўқув юрти, 15 та худудларда филиаллари, 7 та хорижий унияерситет филиалари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг нуфузли мутахассисларига бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмақда ва ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиёти қуйидаги омилларга боғлиқ:



Олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш, таълим тизимини ислох қилишнинг жаҳонда тан олинган, тажрибада исботланган 4 та модели мавжуд. Булар АҚШ, Франция, Германия ва Япония мамлакатларининг моделларидир. Улар гарчи умумий қоида ва йўналишлар бўйича бир-бирига яқин бўлса-да, лекин мавжуд мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳолати, миллий хусусиятлари ҳамда фуқароларининг яшаш шароитидан келиб чиқиб фарқ қилади. Масалан, Япония таълим тизимида оила омилига катта эътибор берилган. Америка ёки Францияда эса маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда пуллик мактаблар жорий этилган. Лекин айрим мамлакатларда ўзини оқлаган ва самара берган моделларни ўзга давлатлар учун тўғридан-тўғри қўллаб ёки татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, миллий ҳамда республикамизга хос бўлган хусусиятлар, шароитлар инобатга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг янги модели ишлаб чиқилди.

Фуқаро тарбиясини ташкил этиш: дунё тажрибаси ва муаммолари. Маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё - саодат - ё фалокат масаласидир», деб таъкидлар экан, аввало **фарзанд** тарбиясини, **авлод** тарбиясини, қолаверса **миллат тарбиясини** назарда тутган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз фуқаролари билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, **комил инсон** бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Ислом Каримов бу хусусда бундай дейган: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. **Комил инсон деганда, биз**, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»³.

Таъкидлаш жоизки, «баркамол инсон» тушунчасига турли давлатларда турлича таърифлар берилади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларида замон талабларига мос сифатлар ва жамият мақсадларига мос кадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қилади. Доимий юксалиш ҳақида қайғурадиган етакчи давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан танишиш фойдадан холи бўлмайди.

АҚШ да фуқаро ва ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масаласи. Америкаликларга қандай ғоя ва кадриятлар сингдирилмоқда? Бу мамлакатда фуқаро ва ёшлар тарбияси қуйидаги ғоявий устунларга таянади.

³ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998. – 81-б.

АҚШ фуқаролари Конституцияни, Америка давлатчилигининг асослари ва демократик тамойилларни муқаддас деб билади ва бу туйғуни ёшлар онгига сингдириш ҳақида тинимсиз қайғуришади.

Ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни қадрлаш туйғуси шакллантирилади.

АҚШ нинг фан ва технологиялар соҳасида бошқа давлатлардан ўзиб кетганлигининг сабаби шундаки, Америкада аввало эркин ва ижодий фикр қадрланади ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан бағрикенглик қарор топтирилган. Лекин америкалик фуқарони тарбиялашнинг энг асосий жиҳати бошқа бир ғояда яширин. **У ҳам бўлса, ҳар бир инсонни ноёб истеъдод эгаси деб билиш, ҳар бир шахсга ҳазрати инсон сифатида мурожаат қилишдир.**


Инсонга бундай муносабат, сўзсиз, унинг салоҳиятини юзага чиқаришга имкон беради. Айнан шу ғоя таъсирида америкаликлар орасида ўзини «ўртамиёна одам» деб биладиган ёхуд «мен бир оддий одам» деб гапирадиган кишилар ниҳоятда кам учрайди. Америка фуқаролари адолатни ҳам ўзига хос тарзда тушунади: шахс нимагаки эришса, қандай мақомни эгалласа, бунга фақат ўз ақли ва истеъдоди билангина етишади.

Шундай қилиб, ҳар бир америкалик болалигиданоқ кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, балки **ўз кучига таянишга** ўргатилади. Ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотилади. Худди ана шу «Америка орзуси» кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги ғояларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Умуман, демократия қоидалари ва эркинлик Америка мафкурасининг пойдеворини ташкил этади. Бундай тарбия натижасида фақат ўз кучига ишониш, руҳий озодлик ва мустақил фикрлаш каби ҳислатлар америкаликларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Албатта, «АҚШ да бу борада муаммо йўқ экан» деган хулоса чиқариб бўлмайди. Охириги пайтларда эркинликка ҳадеб урғу беравериш оқибатида америкаликлар эркинликни жамият олдидаги мажбуриятлардан ҳам озодлик сифатида идрок эта бошлагани кўзга ташланмоқда. Шу боис ҳозирги кунда АҚШ нинг зиёлилари томонидан янги мафкура - **«либерал-миллийлик»** мафкурасини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланмоқда. Бу мафкура миллий ва ирқий жиҳатдан бўлиниб кетган кўп сонли ижтимоий гуруҳларни **«АҚШ - миллатлар ҳамжамиятидир»** ғояси атрофида бирлаштиришни назарда тутаяди. Эътибор берадиган бўлсак, янги мафкурада миллий омилига устувор аҳамият берилмоқда. Демак, гап АҚШ да аста-секинлик билан ягона миллий birlikни шакллантириш, халқнинг

бирдамлигини кучайтиришга хизмат қилувчи мафкурани яратиш ҳақида бораётир.

Японияда миллий мафкура тарбияси. Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида *мактаб* танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Кунчиқар мамлакатда *фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия»* тизими доирасида амалга оширилади. Расмий хужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади⁴:



Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан кудратли ғоявий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан «*ахлоқий тарбия*» тизими Япония мамлакати иқтисодий равнақининг ғоявий асосини ташкил қилади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Шу боисдан ҳам инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) «Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир» деган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан ҳароба бўлиб чиққан Япония мамлакатининг 30-40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг хайратини уйғотади. «Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда ҳунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача бўлган йўлни босиб ўтганини қандай тушунтириш мумкин?». Мазкур саволга японлар қуйидагича жавоб берадилар: «*Салоҳият инсонларда яширин*».

⁴ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 302-бет.

Япония менежментининг олтин қоидасига кўра, **инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон кишида қуйидаги қадрият ва сифатлар қарор топтирилади:**

Меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характериға хос хусусиятлар саналади. Бироқ, давлат бу билан қаноатланмай, ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустақкамлаш ва кучайтириш вазифасини **таълим соҳасига** юклайди. Натижада, мактабларда **гуруҳий бирдамликни тарбиялашга** алоҳида эътибор қаратилади. Бунда жамоатнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади, ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гуруҳий бирдамлик туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларга эришди.

Меҳнат япон кишиси учун ахлоқий қадрият саналади. Унинг қадрият даражасига кўтарилишида «ахлоқий тарбия» тизимининг роли беқиёс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ қуйидаги ғоялар сингдирилади: 1) «Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятга эришиш мумкин», 2) «Ўз устингда тинимсиз ишла - шунда бировдан кам бўлмайсан». Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси ўзининг барча ҳаракатларини қуйидаги мантиққа бўйсундиради: **«Бор имкониятларингни ишга сол!»**

Шундай қилиб, давлат ўз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, кунт ва ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японлар бошқаларга ўрнатқ бўла олади. **«Ахлоқий тарбия»** натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бузилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламасдан, балки уни Ватанга хиёнат деб қабул қилади. Японияда **фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади**. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кудратли куч деб билади. Кўриниб турибдики, миллат келажагини ўйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди.

Ўзбекистонда фуқаро тарбияси. Миллий ғоя ва Ўзбекистон тажрибаси, мазкур масаланинг муҳимлиги Ўзбекистонда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилишга ундайди. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, бизда **фуқаро тарбияси** ҳақида кам гапирилади. Лекин

бизда бу вазифа ўз ҳолига ташлаб қўйилган эмас. Ўзбекистонда фуқаро тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси бўлиб, асосан уч йўналишда:

1) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида. 2) Миллий ғояни сингдириш воситасида. 3) Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури асосида амалга оширилмоқда. Кўриниб турибдики, бизда ҳам фуқаро тарбиясини амалга оширувчи маскан сифатида **мактаб** танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади. Демак, **таълим-тарбия соҳасига** ҳақиқий фуқарони тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган. Маориф, халқ таълими ва олий таълим йўли билан комил инсон қиёфасини яратиш зарур.

Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан фаол инсонни тарбиялашга эътибор қаратиш, ғоявий тарбия воситасида **шахснинг салоҳиятини** максимал даражада юзага чиқаришга эришиш, ҳар бир боланинг иқтидорини ривожлантиришга урғу берилмоқда.

Жаҳондаги тараққий топган демократик мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделларини такрорламаган ҳолда, улардан нусха қилиб кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган комунистик мафқуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

2. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти одоб-ахлоқ қоидалари

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “... ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

«Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”. Дарҳақиқат ёшларни тарбияси, уларнинг одоб-ахлоқи учун барчамиз масъул. Шундай экан, таълим тизимида ҳам тарбияга катта эътибор қаратилади.

Барча олий ўқув юртлари сингари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили» давлат дастурлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруқлари, институтнинг Устави, ички тартиб қоидалари ҳамда умумэътироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишнинг мақсади институтда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, институтнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузини янада оширишдир.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий вазифалари:

- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ мутахассисларни тайёрлаш;

- институт жамоа аъзоларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;

- ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, жумладан, ёшларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

Институтда ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш ҳамда аҳил-иноқлик жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

Институтда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили-бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини поймол қилмаслиги лозим, жумладан, жамоа аъзосининг сўз эркинлиги унга бировга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатламайди, диний эътиқод эркинлиги диний маросим

либосларида институтга келиш ҳуқуқини кафолатламайди, кийиниш эркинлиги таълим масканида тарбия жараёнга салбий таъсир қилиш ҳуқуқини кафолатламайди ва ҳоказо.

Жамоа аъзоларининг институтга одамлар диққатини тортадиган танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, шунингдек тиззадан юқори қисмлари очиқ қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда ёки диний ибодат либосида, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар қадаган ҳолда, спорт кийим ва пойабзалида келиши тақиқланади. Жамоа аъзолари институтга ораста бўлиб, унга монанд кийимда келиши лозим.

Жамоа аъзосининг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда халқимизнинг маънавий меросини авайлаб асраш мақсадида жамоа аъзолари бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланади ҳамда Институтда ўзаро «Сиз» деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

Биноларга кириш жойларида тирбандлик юзага келса, талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларни, эркаклар эса аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

Жамоа аъзолари институт ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари, бунда: талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бундан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки институтнинг ички муаммоларига таалуқли масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

Компьютерларда институтга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

Ўқув машғулотларига ва ишга ҳамда жамоа аъзоларининг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, магнитофон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш тақиқланади.

Институт жамоа аъзолари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари шарт.

Профессор-ўқитувчи аудиторияга кирганида барча талабалар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра ўз жойларини эгаллашлари лозим.

Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун тақиқланади.

Талабаларнинг ўзаро муносабатларида-ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

Талабалар муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкини ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;
- ҳудудни ифлослантирмаслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги урналарга ташлаш;
- устозлар билан дуч келганда салом бериш;
- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;
- институт мулки (кўчар ва кўчмас мулки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳоказолар)га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- кийиниш ва ўзаро суҳбат одобларига риоя қилиш;
- мутасаддиларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини осмаслик;
- маиший тинчликка риоя қилиш;
- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.
- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;
- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;
- овқатланмаслик, сақич чайнамаслик.
- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;

-умумий овқатланиш шаҳобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

-АРМ ходимлари билан хушмуомалада бўлиш;

-китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

-баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;

-қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;

-китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

-мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;

-электр-энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;

-санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;

-талабалар турар жойи «Низоми» ва «Ички тартиб қоидалари»га қатъий риоя қилиш.

-спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойабзалларда кириш;

-спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;

-машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;

-спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

-ўриндик ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;

-оммавий тадбирлар вақтида ҳуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;

-ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

-турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан институт ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;

-доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаш;

-институт манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Талабалар одоб-ахлоқида ман этиладиган ҳолатлар

-Профессор-ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;

-профессор-ўқитувчи билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;

-ёлғон гапириш, фирромлик ёки профессор-ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилиш;

- ходимлар ва ўз ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш;
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-тамойилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;
- бошқа шахслар томонидан тайёрланган тошириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;
- машғулотлар вақтида профессор-ўқитувчининг рўхсатсиз аудиториядан чиқиб кетиш;
- бошқа талабанинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш қатъиян ман этилади.

3. Банк ходимининг касб одоб-ахлоқи қоидалари

“Банк ходимининг касб одоб-ахлоқи Кодекси” Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Кенгашининг 2007 йил 25 декабрдаги Қарори билан тасдиқланди.

Кодекс бандларини бажарилиши, банклар ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан банк миждозларига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишда ишбилармонлик ва касб одоб-ахлоқига риоя этишлари, уларнинг касбий маҳорати, шунингдек улар фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ҳамда умумқабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқлигининг қўшимча исботи, гарови ва ишончлилиги бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси банклари ўзининг профессионал фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида олиб боради:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, касб одоб-ахлоқи меъёрлари ва аналарга сўзсиз риоя қилиш;
- жамият ва давлат олдидаги ўзининг фуқаролик ва профессионал бурчларини англаш, амалдаги қонунчилик меъёрларига асосланган давлат органларининг талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш;
- банк бизнеси соҳасига жалб қилинган банк миждозлари, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш;
- тижорат банкларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда банклараро ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;

- ўзига олинган мажбуриятларга риоя қилиш ва юқори савияли ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш;
- банк операцияларини амалга оширишда риск даражасини ҳисобга олиш ва чеклаш;
- ҳаққоний рақобатчиликни ривожлантириш, банк фаолиятининг ноинсоф қатнашчиларига нисбатан фаол қарши курашиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга қарши курашишда фаол иштирок этиш;
- ўзаро ҳурмат, ҳамфикрлик ва ўзаро ёрдам бериш асосида халқаро профессионал алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш;
- корпоратив бошқарув, шунингдек банк хизматларини кўрсатишда ҳалоллик юзасидан ички ва ўзаро назоратни ўрнатиш;
- ўз иш фаолиятининг сифати ва натижалари бўйича жавобгарликнинг тўлақонлилиги.

Банк тизими ходимлари:

- ўзларининг ишга доир маданиятларини намоён қилувчи ташқи кийим ва кўринишларини доимий равишда кузатиб борадилар ва одми кўринишдаги услубга, тажрибага, хушмуомалалик ва одоблилик қоидаларига риоя қиладилар;
- ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларда хушфезллик ва хайрихоҳликни намоён қиладилар, иш юзасидаги муносабатларда субординацияга риоя қиладилар;
- бошқа ташкилотлар ходимлари ва фуқаролар билан муносабатларда ишчанлик услубига ва хайрихоҳликка риоя қилган ҳолда, профессионаллик ва босиқликни намоён қиладилар;
- расмий учрашувларда иш тартибига қатъий риоя қиладилар;
- ўзларининг ва бошқаларнинг вақтини қадрлайдилар. Оғзаки ва ёзма равишда тушунарли, аниқ ва лўнда фикр билдирадилар;
- мазкур Кодекс иловасига мувофиқ, тижорат банклари ходимлари учун кийим ва ташқи кўринишга оид талаблар бўйича ўзларининг ташқи кўринишларига мос ҳолда ишбилармон ва озода кўринишда бўладилар.

Банк ходимларининг ишбилармонлик ва касб одобига риоя этишлари лозим бўлган талаблар

Хизмат кўрсатиш маданиятининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрлари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, банк фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликка мувофиқ хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Банк ходимининг хулқи, касбий одоб-ахлоқ Кодекси талабларига риоя этиш.

Хизмат кўрсатиш маданияти, муомала ва мулоқот одоби, банк ходимларининг кийими ва ташқи кўринишига қўйилган талабларга риоя этиш.

Хизматлар кўрсатишда бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик.

Ҳалоллик, беғаразлик ва адолатлилик тамойиллари асосида иш юритиш.

Мижозлар билан илтифотли ва хайрихоҳлик руҳида муомала қилиш.

Банк тизимида меҳнат қилаётган аёл ва эркак ходимларнинг кийимига қўйиладиган талаблар

Аёл ходимлар	Эркак ходимлар
<p style="text-align: center;">Банкларнинг республика аппарати, бош банклар, амалиёт, фронт-офис ва бек-офисларидаги аёл ходимлар инглизча бичимдаги кўзга ташланмайдиган одми, тор бўлмаган, тўқ ранглардаги матолардан тикилган ва қуйидаги талабларга жавоб берадиган иш кийимларида бўлишлари керак:</p> <p style="text-align: center;">-кузги-қишги мавсумда тиззани ёпиб турадиган узунликдаги юбка, пиджак ва энги узун оч рангли блузка;</p> <p style="text-align: center;">-баҳорги-ёзги мавсумда тиззани ёпиб турадиган узунликдаги юбка, жилет ва</p>	<p style="text-align: center;">Банкларнинг республика аппарати, бош банклар, амалиёт, фронт-офис ва бек-офисларидаги эркак ходимлар инглизча бичимдаги кўзга ташланмайдиган одми, тор бўлмаган, тўқ ранглардаги матолардан тикилган ва қуйидаги талабларга жавоб берадиган иш кийимларида бўлишлари керак:</p> <p style="text-align: center;">-кузги-қишги мавсумда шим, пиджак, энги узун оч рангли кўйлак ва галстук;</p> <p style="text-align: center;">-баҳорги-ёзги мавсумда шим, энги калта оч рангли кўйлак ва галстук.</p> <p style="text-align: center;">Бевосита миջозлар билан мулоқотда бўлувчи ходимларнинг кийимлари хизмат кўрсатиш ходимларининг кийимларидан фарқланиши, ҳамда:</p> <p style="text-align: center;">-кузги-қишги мавсумда инглизча бичимдаги одми, тор бўлмаган шим,</p>

<p>енги калта оч рангли блузка.</p>	<p>пиджак, енги узун оч рангли кўйлак ва галстукдан;</p> <p>-баҳорги-ёзги мавсумда инглизча бичимдаги одми, тор бўлмаган шим, енги калта оч рангли кўйлак ва галстукдан иборат бўлиши керак.</p> <p>Банклар ходимларининг оёқ кийимлари кузги-қишги мавсумда туфлилардан, баҳорги-ёзги мавсумда туфли ёки товони ёпиқ "босоножка"лардан иборат бўлиши керак. Товони очик оёқ кийимларни кийиш таъқиқланади.</p> <p>Пояфзал ранг жиҳатидан устки кийим-бошга мос келиши керак.</p> <p>Пайпоқлар тоза ва тўқ рангларда бўлиши керак.</p> <p>Иш кийими дизайнини ишлаб чиқишда кўшимча атрибутика сифатида, устки кийим-бошга ранги жиҳатидан мос келувчи ёки банкнинг логотипи рангига ўхшаш рангдаги галстуклардан ҳам фойдаланиш мумкин.</p>
-------------------------------------	--

Банк тизимида меҳнат қилаётган аёл ва эркак ходимларнинг ташқи кўринишига қўйиладиган талаблар.

Аёл ходимлар учун:

Ходимларнинг упа-еликлари ва маникюрлари меъёрида, яққол кўзга ташланмайдиган даражада бўлиши лозим.

Атир-упаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилишига йўл қўйилмаслиги зарур.

Соч турмаги саранжом бўлиши лозим, ҳурпайган ва ҳаддан зиёд катта соч турмагига йўл қўйилмайди.

Сочлар калта бўлган тақдирда силлиқ таралиши, узун бўлган ҳолда эса тўғнағич билан қадалиши ёки кокил қилиб ўрилиши лозим. Сочларни ёйиб юриш таъқиқланади.

Тирноқлар калта текисланган ва парвариш қилинган бўлиши лозим.

Тилла тақинчоқлардан фақат никоҳ узуги ва оғирлиги 3 граммдан ортиқ бўлмаган кичик ўлчамдаги зиракларни тақишга рухсат этилади.

Сунъий тақинчоқлар (бижутерия) ни тақиш мумкин эмас.

Эркак ходимлар учун:

Банк ходимларининг соқоли олинган ва сочлари саранжомланган бўлиши шарт.

Атторлик молларини меъеридан кўп ишлатиш ҳамда ўткир ҳидли атирларнинг қўлланилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Мавзуни мустаҳкамлашга оид саволлар:

1. Таълим-тарбиянинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Комил инсон деганда нимани тушунасиз?
3. АҚШ да таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қўлланиладиган модели?
4. Японияда фуқаро тарбияси тизимининг амалга тадбиқ этилиши?
5. Ўзбекистонда фуқаро тарбияси қандай йўлга қўйилган?
6. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида одоб-ахлоқ қоидалари нималардан таркиб топган?
7. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида талабаларнинг одоб-ахлоқ мажбуриятларига изох беринг?
8. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида талабаларнинг одоб-ахлоқида ман этиладиган ҳолатларни санаб беринг?
9. Банк ходимининг касб одоб-ахлоқи қоидалари деганда нимани тушунасиз?
10. Банк тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг ташқи кўринишлари ҳамда кийинишларига қандай талаблар қўйилган?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т.: 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни, Т.: 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, Т.: 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни, Т.: 1997.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Т.: 1997.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, Т.: 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, Т.: 2015.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, Т.: 2017.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Кенгашининг “Банк ходимининг касб одоб-ахлоқи Кодекси” тўғрисидаги Қарори, Т.: 2007.
10. Таълимда инновацион технологиялар. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари. Ўқув қўлланма. Б.Ходиев, Л.Голиш. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Т.: 2010.
11. Таълимда инновацион технологиялар. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Л.Голиш. Д.Файзуллаева. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Т.: 2010.
12. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат “Ўқув фани бўйича лойиҳа асосида ўқитиш технологияси”. К.Хажиева. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети, Т.: 2010.

13. Мутахассисликка кириш фанидан маърузалар матни. Ш.Абдуллаева, Л.Мирзаева. Иқтисодиёт, молия, Т.: 2005.

14. Пул, кредит ва банклар. Ўқув қўлланма. З.Д.Ниёзов, Ш.Бобоев, Самарқанд: 2012.

15. Албука педагогического труда. Рочинский В.М., М: 1990. - стр 33.

16. Банк иши. Ш.З.Абдуллаева, Т.: 2017.

17. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. И.Каримов. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни. 1998. – 81-б.

18. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. Эргашев И. ва бошқ. -Т.: Академия, 2005. 302-бет.

19. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Одоб-ахлоқ қоидалари”.

20. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Рашидов О.Ю. ва бошқаларТ.: ТДИУ, 2010. - 398 б.

21. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Машғулот матнлари. Тожиёв Р.Р. ТДИУ.2007., - 320 б.

22. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиёв, Т.: Иқтисод-Молия, 2012., - 322 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар ташкилоти, 1948.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Т.: 2017.

3. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

4. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

5. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь Ш.М.Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

6. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш тўғрисида” ги Қарор, Т.: 1998.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низоми, Т.: 2005.

9. Банк иши мутахассислиги бўйича ўқув режаси. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 267-сонли буйруғи, Т.: 2008.

Интернет-сайтлар:

www.cbu.uz

www.sies.uz

www.lex.uz

www.stat.uz

www.ziyonet.uz

www.bma.uz

КИРИШ.....	4
1-МАВЗУ. «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ ВА БАНК ИШИ ТАРИХИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	7
2-МАВЗУ.: ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛИ, МУЖАССАМЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ.....	15
3-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....	26
4- МАВЗУ: САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ТАРИХИ.	39
5- МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ВА ЎҚУВ ИЛМИЙ ТАДҚИК ОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.	51
6-МАВЗУ. ПУЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	72
7- МАВЗУ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ.....	79
8-МАВЗУ. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ	88
9-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.	96
10-МАВЗУ. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОДОБ-АХЛОҚ ЭТИКАСИ .	107